O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Da'vat

Biz darslik yaratishga eng ilg'or va eng sharafli vazifa sifatida qarashimiz, yaxshi darslik yaratgan odamlarni boshimizga ko'tarishimiz kerak.

Islom KARIMOV

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 24-noyabr, chorshanba № 95 (7704)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

2005-2009 ЙИЛЛАРДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР НАШР ЭТИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув адабиётлари ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва умумтаълим мактабларини улар билан таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

умумтаълим мактаблари учун янги дарсликлар яратиш ва уларни нашр этиш жадвали;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун янги дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни яратиш, уларни нашр этишга давлат буюртмасини жойлаштириш танлов асосида амалга оширилади;

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни харид қилиш маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

4. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (Р.С.Қосимов)га:

нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётларини танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини мувофиқлаштириш;

ўқув адабиётларининг белгиланган давлат таълим стандартларига ва замонавий методик талабларга мувофиқлигини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш;

қабул қилинган 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплекслар нашр этишнинг тасдиқланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили келгуси йилда нашр этиш мўлжалланган ўқув адабиётларининг аниқ рўйхатини ва тиражини белгиласин ва тасдиқласин;

умумий ўрта таълимнинг такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, дарсликларга нисбатан янгиланган методик талаблар асосида ўқув адабиётлари яратилишини ва нашр этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, Дарсликларнинг республика айланма фондини яратишни ҳамда мактаблар ўқувчиларини ушбу фонд ҳисобига дарсликлар билан таъминлаш тартибини назарда тутувчи мактаблар ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг самарали механизмини жорий этиш юзасидан 2004 йил охиригача таклиф тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ юқори самарали мультимедий тизимларини ҳамда ўқув адабиётлари ва қўлланмаларнинг компьютер электрон турларини яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги умумтаълим мактаблари учун ўқув адабиётлари нархларининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан мунтазам қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 341-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

«2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 3,4,5-иловалар билан 2 — 6 саҳифаларда танишасиз.

Кейинги йилларда ўқув дарсликларининг тез-тез ўзгариб турганлиги, бунинг устига вилоятларнинг чекка-чекка қишлоқларидаги умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларга баъзи фан дарсликларининг етишмаслиги бугунги кунда ҳам бироз муаммо туғдирмоқда. Бу ҳолат эса мактаб кутубхоначиларидан ўз ишига янада масъулият билан ёндашишларини талаб этади.

Бухоро вилояти Газли шаҳрининг 34-умумий ўрта таълим мактаби кутубхонасига ҳар куни кўплаб ўқувчилар келишади, китобларни, қўшимча адабиётларни излашади. Кутубхоначи Робия Утегенова китобхонларни очиқ чеҳра билан кутиб олиш билан бирга уларга керакли адабиётларни излашади, ўқувчиларнинг ўқиган асарлари мазмунини сўраб боради.

Суратда: *кутубхоначи Р.Утегенова янги келган дарсликлар билан ўқувчиларни таништирмоқда.*

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

«MA'RIFAT»ga maktublar
8-9-бетлар

«НАМАНГАН — СПОРТЧИЛАР ВИЛОЯТИ»
11-бет

УСТАМА ҲАҚ БЕЛГИЛАШ ХОЛИС МЕЗОН АСОСИДА БЎЛАДИ
13-бет

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига 3-илова

Ma'rifat

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқишга муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркиби танлов асосида танлаб олиш йўли билан аниқланади.

3. Қуйидагилар муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олишнинг мақсади ва вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларни такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари асосида яратилган ўқув адабиётлари билан таъминлаш;

вазирликлар ва ваколатли муассасаларнинг буюртмалари асосида ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаш тизимида рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, унинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш;

ўқув адабиётларини ишлаб чиқишга энг малакали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, ёш истеъдодли муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш.

4. Ҳам жисмоний шахслар, ҳам кадрлар салоҳиятига, таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш тажрибасига эга бўлган турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги илмий ва ўқув ташкилотлари муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олиш қатнашчилари бўлишлари мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади) такомиллаштирилган давлат стандартлари ва ўқув дастурларининг босқичма-босқич жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда танлов асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхатини белгилайдилар ва Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) тасдиғига киритадилар.

6. Ҳукумат комиссияси муаллифлар таркибини танлаб олиш асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхатини ўрганади ва тасдиқлайди.

II. Муаллифлар таркиби танловини ўтказиш

7. Муаллифлар таркибини танлаб олиш Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси ҳузурида тузиладиган танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов комиссияси аъзолари сони (камида 9 киши) тоқ бўлган таркибда тузилади, унинг шахсий таркиби Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Танлов комиссияси таркибига қуйидагилар киритилади:

буюртмачининг вакиллари;

манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқалар) вакиллари;

илмий-педагогик жамоатчилик вакиллари;

етакчи амалиётчи ўқитувчилар, методик кабинетлар мутахассислари, ота-оналар қўмитаси аъзолари.

Комиссияга ҳамраислар – Халқ таълими вазири ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари - Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори бошчилик қиладилар.

8. Ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олиш ва тасдиқлашни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

9. Танлов асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхати Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин танлов комиссияси оммавий ахборот воситаларида муаллифлар таркиби танланиши тўғрисида эълон беради.

Эълон буюртманомаларни қабул қилиш муддати тугашидан камида 30 кун олдин берилади.

10. Қатнашчилардан аризаларни қабул қилиш ва муаллифларни танлаб олиш тартиботларини ташкил этиш функциялари танлов комиссиясига юкланади.

11. Қатнашчилар танлов комиссиясига қуйидагилардан иборат бўлган таклифларни тақдим этадилар:

иштирок этиш учун буюртманома;

қатнашчининг сўровномаси;

ўқув адабиёти концепцияси (0,5 босма тобоққача), унда ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, мазмуни ва тузилмасига назарий-методологик ёндашув, ўқув адабиётининг методик аппаратига асос қилиб олинадиган дидактик принциплар акс эттирилиши керак;

ўқув адабиётининг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма тобоққача) ва битта бобнинг намуна матни.

12. Буюртманомалар тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагандан кейин танлов комиссияси белгиланган кун ва соатда буюртманомалар мавжуд бўлган таклифларни очади.

13. Эълонда кўрсатилган охирги муддатдан кейин тушган буюртманомалар танловга қўйилмайди. Танловда иштирок этиш шартларига ва расмийлаштириш қоидаларига мувофиқ бўлмаган буюртманомалар кўриб чиқилмайди.

14. Танлов комиссияси баённома тузади, унда тушган буюртманомаларни ҳамда зарур маълумотлар ва ҳужжатлар мавжудлигини рўйхатдан ўтказади. Баённомада:

тушган буюртманомалар;

танловга қўйилган қатнашчилар;

танлов қатнашчилари таркибига киритилмаган талабгорлар (уларнинг таклифлари рад этилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

15. Ишлаб чиқувчи муаллифларнинг таклифларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш учун танлов комиссияси томонидан илмий ва педагогик жамоатчилик, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва талаб этиладиган ихтисосликнинг бошқа мутахассисларидан иборат таркибда тегишли фанлар бўйича эксперт гуруҳи тайинланади.

Тегишли фанлар бўйича эксперт гуруҳининг шахсий таркиби танлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Эксперт гуруҳи аъзоларининг таркиби ошкор қилинмайди.

Эксперт гуруҳи ишлаб чиқувчи муаллифларнинг тақдим этилган таклифларини уларнинг код рақамлари бўйича баҳолайди ва ўзининг асосланган хулосаларини танлов комиссиясига киритади.

16. Буюртмачининг раҳбарлари, танлов комиссияси ва эксперт гуруҳларининг аъзолари ишлаб чиқувчи муаллифлар бўлишлари мумкин эмас.

17. Танлов комиссияси эксперт гуруҳларининг хулосалари ва танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида 10 кун муддатда ғолибларни танлаб олиш учун тақдимномаларни Ҳукумат комиссиясига юборади.

Ўқув адабиётлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар гуруҳини танлаш ғолиблари тўғрисидаги якуний қарор Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинади ва қарор тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

Танлов натижалари тўғрисидаги ахборот Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин 3 кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

18. Буюртмачи Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида ғолиблар билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув адабиётлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузади.

III. Якуний қоидалар

19. Буюртмачи ўқув адабиётлари лойиҳаси ишлаб чиқилишининг мунтазам назорат қилинишини таъминлайди.

20. Ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртма олган ғолиблар ўқув адабиётлари лойиҳасининг сифати ва ишлаб чиқиш муддатлари учун жавоб берадилар.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низомга илова

Ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш

СХЕМАСИ



Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом кейинчалик нашр этиш учун янги авлод дарсликларни ва ўқув-методик комплексларни танлаб олиш танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Дарсликлар ва ўқув-методик комплексларга (кейинги ўринларда ўқув адабиётлари деб юритилади) умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун яратиладиган дарсликлар, қўшимча ўқув, методик ва маълумотнома адабиётлар киради.

3. Ўқув адабиётларини танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади, унда фақат муаллифлар таркибини танлаб олиш ғолиблари қатнашади. Қуйидагилар танлов йўли билан танлаб олишнинг мақсади ҳисобланади:

замонавийлаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларига мувофиқ ўқув адабиётлари мазмунини такомиллаштириш, уларнинг дизайни сифатини ошириш;

ўқув адабиётлари яратиш жараёнида рақобат муҳитини шакллантириш, ёш муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш.

4. Танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

5. Ўқув адабиётларини танлов асосида танлаб олиш аъзолари сони (камида 9 киши) тоқ бўлган, шахсий таркиби эса Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланадиган танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Танлов комиссияси таркибига қуйидагилар киритилади:

буюртмачининг - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (тегишлилигига кўра) вакиллари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари;

идоравий мансуб таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идораларнинг вакиллари;

Педагогика фанлари илмий-тадқиқот интитути ва бошқа тегишли илмий-тадқиқот таълим муассасалари ходимлари;

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг етакчи амалиётчи ўқитувчилари;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакиллари.

II. Танлов орқали танлаб олишни ўтказишга тайёргарлик кўриш

6. Ўқув адабиётларини танлов орқали танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Танлов комиссияси танлов бошланишидан 120 кун олдин оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

ишлаб чиқилиши мўлжалланаётган ўқув адабиётлари рўйхати;

танлов таклифларини қабул қилиш ва танловни ўтказиш муддатлари;

танлов ҳужжатларини ва танлов шартлари тўғрисида қўшимча ахборотни олиш учун манзил, боғланиладиган шахслар ва телефон рақамлари.

8. Тайёргарлик кўриш муддати, танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги санаси ва соати, шунингдек таклифларни очиш куни ва вақти танлов комиссияси томонидан белгиланади, у танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва тарқатишни ташкил этади, талабгорларга маслаҳатлар беради, аризаларни қабул қилади, танлов таклифларининг ҳисобга олинишини, сақланиши ва махфийлигини таъминлайди.

9. Танлов ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

танлов орқали танлаб олишда қатнашиш учун бериладиган буюртманоманинг намунавий шакли;

ишлаб чиқиш мўлжалланаётган ўқув адабиётлари рўйхати;

танлов қатнашчиси учун йўриқнома;

танлов таклифларини баҳолаш мезонлари;

ўқув адабиётларини нашр этиш ҳуқуқини берувчи шартноманинг намунавий шакли.

10. Танлов ҳужжатлари фақат талабгорларга – муаллифлар таркибини танлаб олиш танлови ғолибларига, ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузилган шахсларга юборилади.

11. Танлов таклифларини тайёрлаш даври оммавий ахборот воситаларида эълон берилган ёки танлов қатнашчиси расмий равишда хабардор қилинган (таклиф этилган) санадан бошлаб камида 120 кунни ташкил қилади.

12. Талабгорлар танлов таклифи сифатида қатнашиш учун буюртманома, ўқув адабиётларининг қўлёзмаси ёки макетини тақдим этадилар.

13. Танлов орқали танлаб олишда қатнашиш учун бериладиган буюртманомада қуйидагилар кўрсатилади:

таклиф этилаётган ўқув адабиётининг номи;

умумий маълумотлар ҳамда ўқув адабиётлари муаллифи (муаллифлари)нинг тажрибаси ва касб-малака даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

муаллифнинг почта ва электрон манзили (мавжуд бўлса), телефони ва телефакси (мавжуд бўлса) рақамлари.

14. Танлов таклифлари қатнашчи учун йўриқномада назарда тутилган шартлар асосида ишлаб чиқилади, унда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

танловга тақдим этилаётган ҳужжатларнинг рўйхати ва уларга қўйиладиган талаблар;

ўқув адабиётини яратиш ва расмийлаштиришга қўйиладиган педагогик ва техник талаблар;

танлов таклифлари туркумини шакллантириш тартиботига қўйиладиган талаблар ва уни танлов комиссиясига бериш усуллари;

танлов орқали танлаб олиш доирасида тузилган ҳар қандай ҳужжатнинг махфийлигига изоҳ;

буюртманомалар ва танлов таклифларини қабул қилишнинг энг сўнгги муддатлари;

танловни ўтказиш тартиботлари тавсифи ва муддатлари;

ғолибни аниқлаш ва шартнома тузиш тартибининг тавсифи;

танлов орқали танлаб олишга доир тушунтиришлар олиш учун манзил ва боғланиш телефонлари.

15. Танлов таклифлари муҳрланган ҳолда қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмаган ҳолда талабгорларга қайтарилади.

Танлов иштирокчиси томонидан танлов таклифларининг тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилиши ҳам унинг таклифи рад этилиши учун асос бўлиши мумкин.

16. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги санаси ва вақтидан кейин ўз таклифига ўзгартиришлар киритишга ёки уни қайтариб олишга ҳақли эмас.

III. Танлов орқали танлаб олишни ўтказиш шартлари

17. Буюртманомалар беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгандан кейин танлов комиссияси белгиланган кун ва соатда танлов таклифлари жойланган конвертларни очади.

Танлов таклифлари жойланган конвертларни очиш танлов комиссияси аъзолари ва танловда қатнашаётган ўқув адабиётлари муаллифлари иштирокида амалга оширилади.

18. Конвертлар очилгандан кейин комиссия баённома тузади, унда тушган таклифларни ҳамда зарур маълумотлар ва ҳужжатлар мавжуд эканлигини қайд этади. Баённомада қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак:

тушган таклифлар;

танловга қўйилган қатнашчилар, уларнинг код рақамлари;

танлов қатнашчилари таркибига киритилмаган талабгорларнинг таклифлари рад этилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.

19. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш ва баҳолашни ташкил қилиш учун танлов комиссияси томонидан илмий ва педагогик жамоатчилик, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва муайян ихтисосликнинг бошқа мутахассисларидан иборат таркибда тегишли фан бўйича эксперт гуруҳи тайинланади. Эксперт гуруҳи аъзолари таркиби ошкор қилинмайди.

20. Танловда қатнашаётган ўқув адабиётларини эксперт баҳолаш комиссия томонидан белгиланган муддатларда, бироқ 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

21. Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.

Қуйидагилар ўқув адабиётларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

ўқув адабиётларининг давлат таълим стандартларига, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқлик даражаси;

таклиф этилаётган ўқув материалининг илмий-педагогик асосланганлиги;

предметга миллий мустақиллик ғояларининг сингдирилганлиги даражаси;

ўқув материалининг таълим олаётганларнинг психологик ва ёш хусусиятларига, шунингдек уларнинг билимлари даражасига мувофиқлиги;

баён этиш тилининг равонлиги, таклиф этилаётган материалнинг кўргазмалилиги ва расмлар илова қилинганлиги;

назарий материалнинг машқлар, вазифалар ва амалий машғулотлар билан мақбул нисбати;

таклиф этилаётган макет дизайнининг сифати.

22. Баҳолаш мезонлари тафсилотлари танлов комиссияси томонидан танлов таклифлари конвертлари очилгунга қадар амалга оширилади. Танлов пайтида мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

23. Тушган ўқув адабиётини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ва танлаб олиш тартиботларига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Комиссия ва эксперт гуруҳи аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

24. Эксперт гуруҳи танлов қатнашчиларининг тақдим этилган таклифларини уларнинг код рақамлари бўйича баҳолайди ҳамда ўзининг асосланган хулосаларини танлов комиссиясига киритади.

Танлов комиссияси эксперт гуруҳлар хулосалари ҳамда танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида 10 кун муддатда Ҳукумат комиссиясига ғолибларни танлаб олиш бўйича тавсиянома юборади.

Ғолибни аниқлаш тўғрисидаги узил-кесил қарор Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинади, қарор тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

25. Танлов якунлари ғолиб аниқлангандан кейин 3 кундан кечикмай оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

26. Ҳукумат комиссияси қарори асосида буюртмачи билан қўлёзма муаллифи (муаллифлар жамоаси) ўртасида ўқув адабиётларини нашр этиш тўғрисида шартнома имзоланади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиши ва ўқув адабиётларини ишлаб чиққанлик учун моддий рағбатлантириш, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, низоларни ҳал этиш шартларини ҳамда шартнома тузишдаги бошқа мажбурий шартларни акс эттириши зарур.

IV. Якуний қоидалар

27. Танловнинг ҳар бир қатнашчиси мазкур Низомда белгиланган танлов асосида танлаб олишни ўтказиш шартларига риоя этилиши ва натижаларнинг холислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

28. Танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида Низомга илова

Ўқув адабиётлари лойиҳаларини танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ҳукумат комиссияси	1. Ўқув адабиётлари рўйхатини ва танлов комиссияси таркибини тасдиқлайди. 2. Танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. 3. Танлов комиссияси таркибини тасдиқлайди. 4. Танловни ўтказиш санасини белгилайди.	Заруриятга кўра.
2-босқич	Танлов комиссияси	1.Танлаб олиш танлови ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Эълон бериш. 3. Танлов ҳужжатларини жўнатиш.	1. Танлов санаси аниқланган кейин икки ҳафта муддатда. 2. Танлов асосида танлаб олиш бошланишидан 120 кун олдин. 3. Муаллифларнинг сўрови тушишига қараб.
3-босқич	Муаллифлар таркиби	Танлов ҳужжатларини олиш	Муаллифлардан сўров тушишига қараб.
4-босқич	Муаллифлар таркиби	Танлов таклифларини бериш.	Танлов ҳужжатларида белгиланган муддатларда.
5-босқич	Танлов комиссияси	1. Танловда қатнашувчиларни рўйхатдан ўтказиш. 2. Танлов таклифларини очиш.	Таклифларни қабул қилиш тартиб-қоидаси ёпилган кунда.
6-босқич	Эксперт гуруҳи	Танловга тушган таклифларни экспертизадан ўтказиш.	Бир ой муддатда.
7-босқич	Танлов комиссияси	1. Эксперт хулосаларини тайёрлаш. 2. Тасдиқлаш учун Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиш.	10 кун муддатда.
8-босқич	Ҳукумат комиссияси	Ўқув адабиётларини танлов асосида танлаб олиш ғолибини тасдиқлаш.	Таклифлар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда
9-босқич	Буюртмачи ⇕ Муаллифлар таркиби	Ўқув адабиётларини нашр этиш тўғрисидаги шартномани имзолаш.	Ғолиб аниқлангандан кейин бир ҳафта муддатда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига 5-илова

Ma'rifat

Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш учун давлат буюртмасини жойлаштириш юзасидан тендер савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари танловида танлаб олинган дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этишда тендер савдолари ўтказишга татбиқ этилади.

Дарсликлар ва ўқув-методик комплексларга (кейинги ўринларда ўқув адабиёти деб юритилади) сифатида дарсликлар, қўшимча ўқув, методик ва маълумотнома адабиётлар киради.

3. Ўқув адабиётини нашр этишда тендер савдолари бир контракт бўйича 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан ошмайдиган суммага ўтказилади.

Бир контракт 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан кам бўлганда ношир рақобат таклифларини танлаш йўли билан аниқланади.

4. Хорижий кредитлар маблағлари (грантлар) ҳисобига ўқув адабиёти нашр этишда мазкур Низомнинг талаблари тавсия хусусиятига эга бўлади ва, агар хорижий кредитлар ва грантларни бериш шартларига кўра савдоларни ўтказишнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлса, қўлланилиши мумкин эмас.

5. Тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги қарор Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Нашр этиш учун тендер савдолари фақат ҳуқуқ эгасига рухсатнома мавжуд бўлиши шарти билан Ҳукумат комиссиясининг қарорига мувофиқ танловда танлаб олиш ғолиби деб эътироф этилган ўқув адабиётига эълон қилиниши мумкин.

6. Қуйидагилар тендер савдоларининг мақсади ҳисобланади:

ўқув адабиётининг техник жиҳатдан бажарилиши сифатини ошириш ва ундан узоқ муддат фойдаланилишини таъминлаш;

ўқув адабиётини нашр этиш жараёнида рақобат муҳитини яратиш, ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг тендерларда иштирок этишини кенгайтириш ва рағбатлантириш, шунингдек уларнинг тенг ҳуқуқли иштирок этишини таъминлаш, мазкур жараёнга кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш;

ўқув адабиётини нашр этишга йўналтириладиган давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

7. Ошкоралик, талабларнинг ягоналиги ва қарорлар қабул қилишдаги холислик ҳамда савдонинг барча қатнашчилари учун тенг рақобат шарт-шароитлари яратиш тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

8. Ўқув адабиёти нашр этишга тендер савдолари мазкур Низомга иловага мувофиқ бир босқичли икки конвертли тартиб-қоида бўйича ахборотнома очиқ эълон қилиниши йўли билан ўтказилади.

II. Тендер савдоларининг қатнашчилари

9. Буюртмачи, тендер комиссияси, тендер савдоларининг ташкилотчиси ва оферентлар тендер савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

10. Буюртмачи (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази):

расмий фармойиш берувчи ҳужжат (буйруқ) чиқарган ҳолда тендер ўтказиш шакли, тури, санаси, жойи ва шартларини белгилайди;

ўқув адабиётининг бошланғич қийматини мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этган ҳолда белгилайди;

талабгорларнинг малакасига қўйиладиган асосий талабларни, ўқув адабиётига қўйиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиши назорат қилинишини таъминлайди ва уларни тасдиқлайди;

тендер савдоларининг ғолиби билан контракт тузади.

11. Тендер комиссияси ўқув адабиётини нашр этишга давлат буюртмасини жойлаштириш учун тендер савдоларини ўтказиш бўйича доимий орган ҳисобланади. Комиссиянинг сон таркиби аъзоларнинг тоқ сонидан, қоидага кўра, камида 11 кишидан иборат бўлади. Буюртмачининг раҳбари ёки унинг ўринбосарларидан бири комиссия раиси ҳисобланади. Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланадиган комиссия таркибига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (тендер Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ўтказилган тақдирда);

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг (мансублигига кўра);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг;

китоб нашр этиш соҳасидаги мустақил эксперт ташкилотларининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

Буюртмачининг ёки унинг идоравий мансуб корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари сони тендер комиссияси умумий таркибининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

12. Тендер комиссияси:

тендер ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

тендер таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

тегишлича расмийлаштирган ҳолда тендер савдоларини ўтказади;

таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг тендер ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

баҳолаш гуруҳи жалб этиладиган мустақил экспертлар ёки маслаҳатчилар ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

тендер қатнашчиларидан тушган таклифлар бўйича Ҳукумат комиссиясига хулоса киритади.

13. Тендер савдоларининг ташкилотчиси (буюртмачининг таклифига кўра тендер комиссияси томонидан тайинланадиган ишчи гуруҳ ёки буюртмачи томонидан шартнома асосида жалб этиладиган консалтинг компанияси):

тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни талабгорларга тақдим этади;

тендер ўтказилиши тўғрисида эълон беради ва потенциал талабгорларга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

тендер таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди;

аризалар ва тендер таклифларини қабул қилади, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлайди;

тендер таклифларининг асл нусхаларини конвертларни очиш ва тендер ўтказиш учун тендер комиссиясига тақдим этади.

Савдоларни ташкил этиш учун консалтинг компанияси жалб этилган тақдирда тендер савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

14. Экспертизани ташкил этиш ва тендер таклифларини баҳолаш учун тендер комиссияси томонидан баҳолаш гуруҳи тайинланади. Баҳолаш гуруҳи тендер комиссияси аъзоларидан ёки ўқув адабиётини нашр этиш ва китоб нашри технологияси соҳасидаги ваколатли камида беш мутахассисдан иборат таркибдаги мустақил экспертлар (маслаҳатчилар)дан ташкил этилади.

15. Баҳолаш гуруҳининг шахсий таркиби тендер комиссияси томонидан тасдиқланади ва тендер савдолари тугаллангунга қадар махфий ахборот ҳисобланади.

16. Баҳолаш гуруҳи:

тендер таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

тендер ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ баллар қўяди;

энг яхши тендер таклифини аниқлайди ва савдо ғолибини аниқлаш ва тасдиқлаш учун тендер комиссиясига хулоса киритади.

17. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, нашриёт-матбаа фаолиятида тажрибага эга бўлган ҳам мамлакатимизнинг ташкилотлари, ҳам хорижий ташкилотлар тендер савдоларининг оферентлари – қатнашчилари бўлишлари мумкин.

18. Савдоларда иштирок этишга:

тендер савдолари эълон қилинган санада рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб ўз фаолиятини 6 ойдан кам муддатда амалга ошираётган;

илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур тарзда бажармаган;

қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида турган;

суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турган ташкилотлар, корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қўйилмайди.

19. Тендер комиссияси аъзоларидан кимгадир бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар савдо қатнашчилари бўлиши мумкин эмас.

20. Тендер савдолари қатнашчилари:

тендер таклифларини тайёрлайдилар ва савдо ташкилотчисига тақдим этадилар;

уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этадилар (тендер комиссиясининг сўровига кўра);

тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз манбаларидан қоплайдилар;

тендер савдоларида ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан контракт тузадилар.

III. Тендер ҳужжатлари

21. Тендер комиссияси қуйидагиларни ўз ичига олувчи тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этади, тендер савдоларининг ташкилотчиси эса уларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди:

тендер савдолари қатнашчилари учун йўриқнома;

қатнашчиларга қўйиладиган малака талаблари;

нашр этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхати, техник талаблари ва ўзига хослиги;

тендер таклифининг шакли;

контракт проформаси.

22. Тендер савдолари қатнашчиси учун йўриқномада қуйидагилар мавжуд бўлади:

тушунтириш олиш мумкин бўлган савдо ташкилотчиси вакилининг манзили ва боғланиш телефонлари кўрсатилган ҳолда тендерда иштирок этишга таклифнома;

тендер савдоларида қатнашиш учун талабгорларнинг буюртманомалари шакли намунаси;

расмийлаштириш тартиби, шу жумладан тендер таклифи тузилиши керак бўлган тил, шунингдек, виза қўйишга ва нусхалар сонига қўйиладиган талаблар;

тендер таклифи тендер комиссиясига тақдим этилгандан кейин унга ўзгартиришлар киритиш ва уни расмийлаштириш тартиби;

нарх бўйича кўрсатма;

таклифларни тендер комиссиясига бериш тартибига қўйиладиган талаблар;

тендер таклифининг амал қилиш муддати;

қайд этилган вақт мобайнида тендер қатнашчиси таклифига жавоб берилмаслигини кафолатловчи тендер таклифига кафолат миқдори, уни қўйиш тартиби ва қайтариш тартиби;

тендер ҳужжатлари талабларига асосланган таклиф билан биргаликда савдо қатнашчиларига қарши таклифлар бериш имконияти тўғрисидаги ахборот;

таклифлар билдирилган конвертларни очиш тартиб-қоидаси тавсифи, уларни баҳолаш ва тендер ғолибини аниқлаш муддатлари;

(Давоми 5-бетда)

Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

(Давоми. Боши 4-бетда)

тендер таклифларини баҳолаш мезонлари;

ўтказилаётган савдо доирасида тузиладиган ҳужжатларнинг махфийлигига изоҳ.

23. Талабгорларга тендерда қатнашиш учун қуйидаги малака талаблари қўйилади:

шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлари (қатнашчининг рўйхатдан ўтказилганлиги ва суд мажбуриятлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот ҳамда фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар);

талабгорнинг устав сармояси миқдори ва молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари (белгиланган тартибда тасдиқланган);

ишлаб чиқариш базаси, давлат буюртмасининг бутун ҳажмини бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва малакали мутахассислар мавжудлиги;

ўқув адабиётини нашр этиш учун мўлжалланган қийматнинг камида 20 фоизи миқдорида бўш айланма маблағлар мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банкнинг ишонч хати;

китоб, шу жумладан ўқув адабиёти нашр этишга доир иш тажрибаси;

тендер савдоларига қўйилган ўқув адабиётини нашр этишнинг прогнозлаштирилаётган ҳажми (фақат ўз кучлари билан нашр этилиши мумкин бўлган ҳажм, фоизларда).

Тендер савдоларида қатнашиш учун талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган, бироқ талабгорларнинг ўз тижорат сири муҳофаза қилиниши ҳуқуқини бузмайдиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

24. Нашр этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхати, техник талаблари ва ўзига хослиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

номи ва нусхаси;

тузилма ва макетга қўйилган талаблар;

қоғоз формати ва сифати, бўёқларнинг ҳажми ва сони, материаллар ва матбаанинг сифати;

нашр этилаётган ўқув адабиётининг юқори сифати ва узоқ муддат фойдаланилишини таъминлашга кўмаклашадиган бошқа технологик талаблар.

25. Тендер таклифи:

техник таклиф;

тижорат таклифи;

вакилга берилган ишончнома;

мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шакллари;

ўқув адабиётини нашр этиш жадвалидан иборат бўлади.

26. Тендер ҳужжатлари, шу жумладан, тендер таклифларини ўраб жойлаш ва маркалашга қўйиладиган талаблар, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

27. Контракт проформаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва ўқув адабиётини нашр этиш шартлари, нархи ва жадвалини, хизматларнинг манбалари ва ҳақ тўлаш шаклини, тўловлар шартлари ва жадвалини, томонларнинг мажбуриятларини, низоларни ҳал этиш тартибини, шунингдек, битишувлар тузишда мажбурий бўлган бошқа шартлар ва ҳолатларни ўз ичига олиши керак.

Контракт проформасини тузишда буюртмачи ёки тендер савдолари ташкилотчиси шартнома асосида ихтисослаштирилган консалтинг компанияларига маслаҳат сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир.

28. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар тендер савдолари ташкилотчиси тендер ҳужжатларини сотиб олган талабгорларни дарҳол улар тўғрисида маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда унинг муддатини узайтириб тендер ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

29. Тендер савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўровига кўра тендер таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 10 кун олдин сўров манбаини кўрсатмаган ҳолда тендер савдоларининг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб тендер ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

30. Тендер комиссияси, савдо ташкилотчиси ва талабгорлар ўртасида хабар, билдиришнома ва бошқа ахборотни айирбошлаш ёзма шаклда амалга оширилади.

IV. Тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шартлари

31. Оммавий ахборот воситаларида тендер савдолари ўтказиш тўғрисида расмий эълон берилган сана ёки талабгорга почта (сана почта штемпели бўйича аниқланади), телефакс ёки бошқа шаклда қатнашиш учун расмий билдиришнома (таклифнома) юборилган сана савдо очилган сана ҳисобланади.

32. Тендер савдолари тўғрисидаги эълон марказий ва бошқа энг кўп тарқалган ёхуд ихтисослаштирилган газета ва журналларда тендер таклифлари билдирилган конвертлар расмий очилишидан камида 30 кун олдин эълон қилинади.

33. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

буюртмачининг номи ва манзили;

давлат буюртмасини шакллантириш манбалари;

нашр этиш мўлжалланган ўқув адабиётининг номи ва нусхаси;

талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар ва талаблар;

тендер ҳужжатлари олинадиган жой (тендер савдолари ташкилотчисининг манзили, алоқа телефони ва телефакси);

тендер ҳужжатлари учун ҳақ тўлаш қиймати ва тендер таклифи беришда тендер қатнашчиси учун закалат суммаси;

закалат суммасини ва тендер ҳужжатлари учун ҳақ тўлаш шартлари, уларни тўлаш учун банк реквизитлари;

тендер ҳужжатларини тақдим этиш жойи, охирги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);

тендер таклифлари билдирилган конвертларни очиш жойи, куни ва вақти.

34. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар эълон берилгандан кейин савдо ташкилотчисидан тендер ҳужжатларини оладилар.

Тендер ҳужжатлари учун тўлов миқдори буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, нусхасини кўпайтириш ва тарқатиш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

35. Тендер таклифлари тендер ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва бир пакетга солинган икки конвертда тақдим этилади:

биринчи конверт техник таклиф ҳисобланади ва қатнашчининг малакаси ва молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлардан, закалат тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатларидан (нашр этилаётган ўқув адабиётининг ҳисобланган қийматининг бир фоизидан беш фоизигача тендер комиссияси томонидан белгиланадиган миқдорда), ўқув адабиёти макетидан иборат бўлади;

иккинчи конверт тижорат таклифи ҳисобланади ва нарх таклифларини, бўлиши мумкин бўлган чегирмаларни, таклиф этилаётган жадвални ва ўқув адабиётини нашр этиш муддатларини ўз ичига олади.

36. Ташқи пакетда қатнашчининг номи ва манзили, тендер савдоси ташкилотчисининг номи ва манзили, таклифноманинг тартиб рақами ёзилиши керак. Ички конвертда қатнашчининг номи ва манзили, тендер савдоси ташкилотчисининг номи ва манзили, нашр этиш таклиф этилаётган ўқув адабиётининг номи ва таклифноманинг тартиб рақами кўрсатилади.

37. Тендер таклифининг тегишли равишда "Асл нусха" ва "Нусха" сўзлари билан белги қўйилган, талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган асл нусхаси ва нусхаси тендер савдолари ташкилотчисига муҳрланган шаклда юборилади.

38. Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер ҳужжатларида белгиланади.

Қатнашчилар ўзларининг тендер таклифларини уларни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тамом бўлгунга қадар қайтариб олишлари мумкин. Тақдим этиш муддати тамом бўлгандан кейин тушган тендер таклифи кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан савдо қатнашчисига қайтарилади.

39. Тендер таклифларини тақдим этиш санаси тендер савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномаси олинганлиги тўғрисидаги белгиси ёки чопар билан юборилган тендер таклифлари рўйхатдан ўтказилган сана бўйича аниқланади.

40. Тендер таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кун ва соатда комиссия тендер таклифлари билдирилган ташқи пакетни ва техник таклифлар билдирилган биринчи конвертни очади.

Пакетлар ва техник таклифлар билдирилган конвертлар ҳозир бўлиш истагини билдирган тендер қатнашчилари ёки уларнинг тўлақонли вакиллари ҳозирлигида очилади.

Тижорат таклифлари билдирилган таклифлар муҳрланган шаклда қолади ва навбатдаги мажлисгача тендер савдолари ташкилотчисининг темир сандиғида сақланади. Иккинчи конвертдаги ҳужжатларнинг сақланиши учун тендер савдолари ташкилотчиси жавоб беради.

41. Пакет ва биринчи конверт очилгандан кейин савдо қатнашчиларининг номлари ўқилади, савдо шартлари ва тартиб-қоидаларига риоя қилиш, тегишли ҳужжатлар мавжудлиги текширилади.

42. Ҳужжатлар пакетида тендер ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

Тендер комиссияси, улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмаса ва уларга йўл қўйган тендер савдоси қатнашчисига устунликлар бермаса, тендер ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки тендер таклифларини расмийлаштиришдаги ноаниқликларни эътиборга олмаслиги мумкин.

43. Тендер комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада савдо қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва савдоларга қўйилмаган таклифлар баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

44. Тендер комиссияси мажлисининг натижалари тўғрисидаги ахборот ҳозир бўлмаган талабгорга ёзма шаклда етказилади. Тендер таклифлари билдирилган конвертларни очиш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

45. Техник таклифлар ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳига берилади. Таклифларни баҳолашда қатнашчининг малакаси ва молиявий аҳволи, ўқув адабиёти намуналари параметрларининг буюртмачи томонидан белгиланган техник талаблар ва ўзига хосликларга мувофиқлиги мажбурий тартибда эътиборга олинади.

46. Таклифларни баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир баҳолаш мезони бўйича баллар қўйиш йўли билан амалга оширилади. Савдо қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас.

47. Баҳолаш давомида тендер комиссияси тушунтиришлар олиш учун қатнашчиларга ёзма равишда мурожаат қилиш, улардан қўшимча маълумотлар ва тасдиқномалар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

48. Қатнашчининг малака маълумотлари тўғрисида ишончсиз ахборот аниқланган тақдирда тендер комиссиясининг қарори билан талабгор тендер савдолари тартиботида бундан кейин иштирок этишдан четлаштирилади.

49. Таклифлари мақбул деб эътироф этилган қатнашчилар тижорат таклифларини баҳолашга қўйиладилар. Техник таклифларни баҳолаш шартларига кўра ўтмаган қатнашчилар бундан кейин тендерда қатнашишдан четлатиладилар.

50. Тендер комиссияси томонидан тижорат таклифларини баҳолашга қўйилган қатнашчилар рўйхати маъқулланган кейин белгиланган манзил бўйича, кўрсатилган кун ва соатда тижорат таклифлари билдирилган конвертлар кўпчиликнинг олдида очилади.

(Давоми 6-бетда)

(Давоми. Боши 4-5-бетларда)

51. Иккинчи пакетга солинган барча талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси уларни экспертиза қилиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳига беради.

52. Баҳолаш гуруҳи таклиф этилаётган қийматни (нархни), кафолат мажбуриятлари шартларини, ишларни бажариш муддатлари ва тартибини, қатнашчиларнинг бошқа тижорат ва ташкилий устунликларини кўриб чиқади.

53. Тендер таклифларини баҳолашнинг умумий даври тендер комиссияси томонидан белгиланади ва у таклифлар билдирилган конвертлар расман очилган пайтдан бошланади ва 30 календарь кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

54. Тендер таклифларини баҳолаш ва савдо ғолибини аниқлаш тендер комиссияси томонидан унинг мажлиси бошлангунга қадар тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади. Танлов пайтида мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

55. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши ва уларнинг тендер комиссияси ва баҳолаш гуруҳи аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Тендер комиссияси ва баҳолаш гуруҳи аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

56. Тендер ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси:

талабгорга тендер таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

таклифларни баҳолашда, агар ўқув адабиёти бирлиги нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, ўқув адабиёти бирлиги нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма билан рақамда кўрсатилган сумма ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма устунлик қилади.

57. Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш якунлари йиғиндиси бўйича тендер таклифи энг кўп балл олган қатнашчи савдонинг ғолиби деб эълон қилинади. Баллларнинг якуний йиғиндиси тенг бўлган тақдирда энг кам нарх таклифларини таклиф этган қатнашчига устунлик берилади.

58. Якун чиқариш ва савдонинг ғолиби тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда баҳолаш гуруҳининг хулосалари натижаларига ва тендер комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

59. Тендер комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва заҳирадаги қатнашчилар, тендер комиссияси таркиби, баҳолаш гуруҳининг хулосаси, қатнашчиларнинг тендер таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан контракт имзолашнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади.

Баённома ҳозир бўлган аъзолар томонидан имзоланиши ва тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

Тендер комиссияси ғолиблар аниқланган кундан бошлаб 10 кун мобайнида натижаларни тасдиқлаш учун Ҳукумат комиссиясига юборади.

Ғолибни аниқлаш тўғрисидаги қарор Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

60. Тендер савдолари ташкилотчиси тендер савдолари ғолибига савдо якунланганидан кейин уч кундан кечиктирмай ёзма билдиришнома юборади ва якунларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

61. Буюртмачи ва тендер савдолари ғолиблари ўртасидаги контракт тендер савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

62. Агар тендер савдолари ғолиби контракт тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда контрактни бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда буюртмачи тендер комиссияси билан биргаликда таклифи иккинчи баҳони олган қатнашчини тендер савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий тендер савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

V. Якуний қоидалар

63. Тендер комиссияси мажлисини ўтказиш учун кворум унинг аъзоларининг камида учдан икки қисмини ташкил этади. Агар тендер комиссияси мажлисида комиссия раиси ва унинг ўринбосари қатнашмаса ёхуд кворум мавжуд бўлмаса тендер комиссияси мажлиси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланмайди.

64. Қуйидаги ҳолларда, агар:

тендер таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача фақат битта таклиф тушса;

барча тендер таклифлари тендер ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча тендер таклифларида тендер ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари ўқув адабиётининг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса, тендер савдолари бўлиб ўтмаган, деб эълон қилинади.

65. Тендер савдоларининг бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши савдо қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

66. Агар тендер савдолари бўлмаган деб эътироф этилса, такрорий тендер савдолари ўтказилади, унда тендер ҳужжатлари шартларини қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади.

67. Закалат:

тендер савдолари ғолибига - контракт бажарилишининг талаб этиладиган таъминланиши (кафолати) тақдим этилиши бўйича контракт тузилгандан кейин;

қолган қатнашчиларга - тендер савдолари ғолиби билан контракт тузилгандан кейин, бироқ тендер таклифлари амал қилиши муддатидан кечикмай;

ўз таклифини таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тамом бўлгунга қадар қайтариб олган қатнашчига қайтарилади.

Закалат қайтариш учун асослар пайдо бўлган пайтдан бошлаб беш кун мобайнида қайтарилади.

68. Закалат:

таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тамом бўлгандан кейин ўз таклифига ўзгартириш киритган ёки уни қайтариб олган қатнашчига;

таклифи амал қилиши даврида ўз таклифини қайтариб олган, тендер ҳужжатларида белгиланган шартларда контракт тузишни ёки контракт бажарилишининг талаб этиладиган таъминланишини (кафолатини) тақдим этишни рад этган тендер савдолари ғолибига қайтарилмайди.

69. Савдоларнинг ҳар бир қатнашчиси мазкур Низом билан белгиланган тендер савдоларини ўтказиш қоидалари ва тартиботларига риоя этилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда натижаларнинг холислиги учун жавоб беради.

70. Тендер савдолари ўтказилиши муносабати билан пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида Низомга илова

Ўқув адабиётини нашр этиш ҳуқуқи учун тендер савдолари ўтказиш СХЕМАСИ



Hamkorlik

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизнинг таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги салоҳиятини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, дунёнинг тараққий этган давлатлари билан ушбу соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1996 йил Ташқи ишлар вазирлиги тизимида "Маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармаси" ташкил этилган эди. Бугунги кунга келиб республикамиз ташқи сиёсат маҳкамаси ва Ўзбекистоннинг чет эллардаги ваколатхоналари мамлакатимиз илмий-маданий салоҳияти, бой тарихий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш ҳамда хорижнинг тараққий этган давлатлари сармояларини ижтимоий соҳага жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, чет элларда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунлари, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар нафақат сон жиҳатдан ортиб бормоқда, балки уларнинг сифат ва мазмундорлиги ҳам янги поғонага кўтарилган. Масалан, Тожикистонда ўтказилган Ўзбек киноси кунлари, Токио, Киото, Пекин, Берлин, Дюссельдорф, Гаага, Париж, Лион, Сидней ва Анқарада намойиш этилган санъат асарлари ва фотосуратлар кўргазмалари катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Буюк ўзбек аллома ва мутафаккирларининг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси эътирофи сифатида Рига шаҳрида Мирзо Улуғбек, Москва ва Токио шаҳарларида Алишер Навоий, Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Сино ҳайкаллари қад ростлади.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан таълим ва фан соҳасини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган қарорларни амалга оширишга кўмаклашиш, хусусан, бу йўналишда татбиқ этилаётган ўзгаришлар билан хорижий давлатларни таништириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Шу сабабли манфаатдор тизимларнинг яқиндан қилинган ҳамкорлиги самараси ўлароқ мамлакатимиз пойтахтида Буюк Британиянинг халқаро Вестминстер университети фаолият кўрсата бошлади. Тошкент ахборот технологиялари университети қошида ўзбек-немис факультетини ташкил этиш, 2-ТошМИ клиникаси қошида Европадаги нуфузли тиббиёт масканларидан бири ҳисобланмиш Шарите клиникаси филиалини очиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўндан ортиқ олий ўқув юртларининг халқаро алоқаларини ривожлантиришга бевосита ёрдам кўрсатилди.

Касб-ҳунар таълими тизимига хорижий сармояларни жалб этиш борасида ҳам сезиларли ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар учун Япония ҳукуматининг 58,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити, Осиё тараққиёт банкининг 57 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити, Германия ҳукуматининг имтиёзли кредити ва Техникавий ҳамкорлик ташкилотининг беғараз кўмаги тарзида ажратилган 12,669 миллион евро миқдоридаги маблағ, Швейцария халқаро ҳамкорлик агентлигининг 3,5 миллион Швейцария франки миқдоридаги гранти ва ЕИ ТАСИС дастурининг 0,95 миллион евро миқдоридаги сармояси жалб этилган.

Шунингдек, 2005 йилдан эътиборан ушбу йўналишдаги лойиҳалар учун Корея ҳукуматининг 27 миллион ва Польша ҳукуматининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредитларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган хорижий мамлакатларнинг маданият ва таълим соҳасидаги ноҳукумат ташкилотлари билан фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, Германия Академик алмашувлар хизмати (ДААД) томонидан республикамиз олий ўқув юртлари талаба, аспирант ва докторантларига 2001 йилда – 247 та, 2002 йилда – 355 та, 2003 йилда эса 464 та стипендия ажратилди.

2003-2004 ўқув йилида республикамизнинг 299 нафар вакили Таълим соҳасида ва тилни ўрганиш бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС) дастурларида иштирок этди. АҚШнинг яна бир йирик ташкилоти ҳисобланмиш Илмий алмашувлар ва халқаро тадқиқотлар бўйича кенгаш (АЙРЕКС) республикамизнинг турли вилоятларида 60 та ўқув-интернет марказларини ташкил этди. Шунингдек, 2004 йилда 40 нафар ўзбекистонлик АЙРЕКС дастури бўйича Америкада бўлиб қайтди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги 217 та умумий ўрта-таълим мактабида хорижий тиллар ўргатилмоқда. Хусусан, уларнинг 159 тасида инглиз тили, 23 тасида немис тили, 18 тасида француз тили, 15 тасида шарқ тиллари ва биттадан мактабда поляк ва испан тилларидан сабоқ берилаяпти. Шу боис мазкур ўқув муассасаларини чет тиллардаги адабиёт билан таъминлаш, улар учун хорижлик экспертлар билан ҳамкорликда ўқув қўлланмалари тайёрлаш, чет тили ўқитувчиларининг хорижда малака оширишларини ташкил этишга кўмаклашиш борасидаги ишларни фаоллаштиришнинг долзарблиги кун сайин ошиб бораяпти.

Таълим соҳасида турли халқаро анжуманларни ташкил этишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. ЕХҲТ раиси С.Пассининг Ўзбекистонга ташрифи доирасидаги (2004 й. 5 апрель) таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган минтақавий анжуман, таълим бўйича Марказий Осий давлатлари форумининг 3-йиғилиши (2004 й. 10-11 май), ЕХҲТ томонидан Бухорода ўтказилган кам сонли миллатлар таълим имкониятларига оид (2004 й. 17 сентябрь) конференция шулар жумласидандир. Айни пайтда, Европа Комиссияси (ЕК) билан биргаликда шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ЕИнинг олий таълим соҳасидаги ТЕМПУС дастури бўйича Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий конференцияни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ёш педагог ҳамда илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш мақсадида тузилган "Истеъдод" жамғармаси билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугунги кунга қадар мазкур жамғарманинг 138 та гранти соҳиблари ХХР, Жанубий Корея, Буюк Британия, Бельгия, Голландия, Болгария ва Малайзияда малака ошириб қайтдилар.

Жорий йилда "Истеъдод" жамғармаси раҳбариятидан иборат ҳайъат Германия ва Францияда амалий сафарда бўлди. Ҳозир ушбу мамлакатларнинг олий ўқув юртларида жамғарма номзодларининг малакасини оширишни ташкил этиш масаласи ўрганилмоқда.

ЮНЕСКО фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки йил сайин кенгайиб бормоқда. Мазкур ташкилот билан биргаликда таълим, фан ва маданият соҳаларидаги долзарб масалаларга бағишланган 50 дан ортиқ халқаро ва минтақавий анжуманлар ўтказилди. ЮНЕСКО ёрдамида барпо этилган 10 дан ортиқ умумий таълим марказлари мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатмоқда. Республикамиздаги олий ўқув юртлари қошида 9 та ЮНЕСКО кафедраси очилди, мамлакатимиздаги 31 та ўрта мактаб, коллеж ва лицей ушбу ташкилотнинг бирлашган мактаблар дастури тармоғига аъзоликка қабул қилинган.

ЮНЕСКО томонидан олти томли "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" китоби нашр этилмоқда ва уни тайёрлашда ўзбекистонлик олимларнинг ҳам фаол иштирок этиши таъминланган. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа ва "Бойсун баҳори" очиқ халқаро фольклор фестиваллари ЮНЕСКО раҳнамолиги ва бевосита ёрдамида ўтказиб келиняпти.

1995 йилда Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлар халқаро институти ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг самараси сифатида яна қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг раҳбар органи – Ижроия кенгашга сайланди, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз тарихий марказлари ушбу ташкилотнинг "Умумжаҳон мероси", Бойсун тумани маданий мероси ва "Шошмақом" мумтоз мусиқаси "Инсоният оғзаки ва маънавий мерос дурдоналари", 6 та ўзбек миллий фильми "Кинематография мероси", Тошкентда сақланаётган Усмон қуръони ва Шарқшунослик институти кутубхонаси қўлёзмалари "Жаҳон хотираси" дастури рўйхатларига киритилган.

ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда янги-янги қирралар кашф этилмоқда. 2005 йилга режалаштирилган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тантаналари ҳам мазкур халқаро ташкилот раҳнамолигида ўтади.

Таълим, маданият ва фан соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, диний бағрикенглик ва толерантлик ғояларига содиқлик, ижтимоий соҳага кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ЮНЕСКОнинг "Ибн Сино" олтин медали билан тақдирланди. Шунингдек, Бухоро шаҳри "Шаҳарлар тинчлик учун" ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси "Тинчлик устуни" мукофотларига сазовор бўлган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам янги истиқболли даражага кўтарилди. Бунда ОИТС, сил ва малярия касаллигига қарши курашиш бўйича халқаро "Глобал жамғарма" ташкилоти билан ўрнатилган ришталарни эслаш ўринлидир. Ушбу жамғарма малярия касаллигига қарши курашиш учун республикамизга 2,5 миллион доллар миқдорида грант ажратиш бўйича қарор қабул қилди.

Жамғарма томонидан Ўзбекистонда ОИТСга қарши курашиш учун ажратилган молиявий ёрдамнинг 1 миллион доллар миқдоридаги биринчи транши олинди (жами 24,5 миллион доллар). Шунингдек, сил касаллигига қарши курашиш мақсадлари учун яна қўшимча 14 миллион доллар миқдоридаги маблағ ажратилишига эришилди.

2003 йил ва 2004 йилнинг биринчи ярмида хориждаги дипломатик ваколатхоналаримизнинг бевосита ташаббуси ва кўмагида республикага 3 миллион 970 минг АҚШ доллари, 3 миллион 597 минг евро ва 519 минг фунт стерлинг миқдорида инсонпарварлик ёрдами олиб келинди.

Ўзбекистонда 2000 йилдан буён фаолият кўрсатаётган АҚШ Соғлиқни сақлаш халқаро жамғармаси (Project HOPE) билан сил хасталигига қарши кураш дастури доирасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунга қадар республикамизнинг 2000 дан зиёд тиббиёт ходими ушбу дастурнинг қисқа муддатли курсларида иштирок этди, 624 нафар беморни давolаш ишлари олиб борилмоқда.

Бу каби ижтимоий соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, ривожланиш тамойиллари ва истиқболлари хусусида республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида атрофлича фикр юритилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ЮНЕСКО ишлари бўйича республика миллий комиссияси ва "Истеъдод" жамғармаси мутасаддилари иштирок этди, бу эса ўз навбатида муҳокама қилинган масала юзасидан очиқ-ойдин мунозара қилишга қулай асос яратди.

Шу боис ҳайъат мажлисида эришилаётган ижобий натижалар тилга олиниши билан бир қаторда бу йўналишда йўлга қўйилаётган камчиликлар юзасидан ҳам қизғин мунозара бўлиб ўтди. Масалан, бугунги кунга қадар икки томонлама маданий ҳамкорлик тўғрисида 29 та ҳукуматлараро битим ва 10 та идоралараро шартнома тузилган ҳамда мазкур келишувларни самарали амалга ошириш учун ҳукуматлараро комиссиялар ташкил этилган. Бироқ ушбу комиссиялар мажлислари белгиланган вақтда мунтазам ўтказилмаяпти ва белгиланган тадбирлар амалга оширилмай қолмоқда.

Ўзбекистон-Германия ўртасида икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳнинг Германияда бўладиган иккинчи мажлиси Ўзбекистон томонидан бир неча йилдан бери кечиктириб келинаяпти.

Йиғилишда таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган тегишли таклифлар ишлаб чиқилди. Чет элларда Ўзбекистон маданияти марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, мамлакатимизда халқаро болалар ва ёшлар ижодиёти фестивалларини ўтказиш, ЮНЕСКО дастурларидан, айниқса, фан соҳасида янада кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш, ўзбек тилини чет элларда ўрганилишига кўмак бериш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, таълим тизимини ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида республикамиз таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантиришга қаратилган имтиёзли кредит ва грантларни жалб этиш бўйича фаолиятни жадаллаштириш, таълим тизимига беғараз ёрдам юкини юборишни ташкил этиш борасида аниқ тадбирлар режаси тайёрлашга қарор қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги ва "Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорларини бажариш мақсадида ушбу мавзуга бағишлаб ўтказиладиган халқаро илмий конференциялар ишида етук хорижий олимларнинг иштироки бўйича таклифлар киритиш, жойларда Қарши шаҳри ва Маъмун академияси тарихига оид тадбирлар ўтказиш, чет эл кутубхоналари ва илмий муассасаларида сақланаётган тегишли адабиётларни аниқлаб, улардан нусхалар кўчириш имкониятларини ўрганиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, республика илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда мамлакатимиз илм-фан ютуқларини жаҳонга таништириш, уни тарғиб қилиш, ўзбекистонлик ёш иқтидорли олим ва тадқиқотчиларга чет элнинг етакчи илмий муассасалари томонидан грантлар ажратиш, ахборот технологиялари, нанотехнология сингари замонавий соҳалар ривожига хориж сармояларини жалб қилиш масалалари бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқиладиган бўлди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Садриддин СУЯРОВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси

Ana shunday kuyunishlar natijasi o‘laroq, ko‘chalarda milliy atlas liboslari, qirq kokil yoki ikki o‘rim uzun sochlari o‘ziga yarashib turgan qizlar ko‘zga tashlanib qolayapti.

Shunda men o‘ylab qolaman: agar O‘zbekiston o‘zining istiqlolini qo‘lga kiritmaganida oddiy ishchi oilasidan chiqqan men kabi minglab yoshlar o‘qib, oliy ma’lumotli bo‘la olarmidi, jamiyatda o‘z o‘rni, o‘z ovoziga ega bo‘larmidi?

«Ma'rifat»ga maktublar



НАФОСАТ МАЖЛИСЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши қошида шу йилнинг апрелида ташкил этилган «Ижодкор ёшлар» клуби вилоят мактабларида, коллеж ва лицейлар ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган икки юзга яқин ижодкор ёшларни бириктирган. Унинг асосий мақсади ёшларда нафосат, маънавият, ижодкорлик кобилиятларини ривожлантиришдир. Клубга шоир Бахтиёр Темур раҳбарлик қилмоқда.

— Клубимизга яқинда расмий мақом берилган бўлса-да, унинг айни пайтдаги фаол аъзолари билан бевосита машғулотлар олиб бораётганимизга уч йилдан ошди, — дея гап бошлади клуб раҳбари Бахтиёр Темур. — Бугунги кунда улар ижодий гуруҳимизнинг ўзагини ташкил этмоқда. Нодир Раҳим, Умида Рафиева, Дилдора Каттаева, София Йўлдошева назмда, Хуршида Сафарова, Шаҳло Эрназарова наср, Гулруҳ Бозорова драматургия, Фарид Маннонов, Нодир Бозоров тасвирий санъат йўналишида ўз усулларига эга бўлишган. Клубни ташкил этишдан мақсад вилоятимизнинг узоқ туманларида ижод билан шуғулланаётган 35 ёшгача бўлган ҳаваскор қаламкашлар, санъат ихлосмандларининг бошини қовуштириш, ижодий муҳит яратиш, эндигина қўлига қалам олиб, ҳар тарафга умид кўзи билан боқаётган ёшларга ижод сирларининг эшигини очишга услубий кўмак беришдир.

«Ижодкор ёшлар» клуби аъзоларининг ҳар ойда икки марта ўтказилаётган йиғилишларида мумтоз ва замонавий адабиёт, ёшларнинг шеърият, наср, публицистика, ҳажв, тасвирий санъат каби йўналишлардаги ижодий ишлари муҳокама қилиниб, вилоят ва республика матбуотига тавсия этиладиган. Мушоираларда янги ижодий ишлар қўшилиб, таҳлил қилинмоқда, янги номлар кашф этилаётир.

Клубга Навоий давлат педагогика институтининг «Умид», Навоий техника коллежининг «Қалдирғоч», шаҳар ҳалқ таълими бўлимининг «Ёш қаламкашлар», «Нафосат» гуруҳларининг ижодкор ёшлари жалб этилган. Ундан ташқари, туманлардан келиб қатнашувчи ёшлар ҳам бор. Йиғинларда вилоятимизнинг адиб ва шоирлари, ўқитувчи олимлар ҳамда тажрибали журналистлар иштирокида суҳбатлар уюштирилиб, ижодкор ёшлар ўзларини қизиқтирган савоилларга жавоб олишмоқда. Келажакда клуб тадбирларини туманларда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Азамат САФАРОВ,
журналист

ХУШ ХУЛҚЛИ АВЛОД ТАРБИЯЛАЙЛИК

Инсониятнинг тубанлашувига шаробчилик кучли таъсир этувчи восита ҳали яратилмаган.

(Эрон халқ ҳикматларидан)

Эътиқодимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизга зид — ичкиликбозлик тўй-томошаларимизда дастурхонимизнинг «кўрки»га айланиб қолди. Бунга халқимизнинг кўнгилчанлиги, меҳмонназолиги бир сабаб бўлса, иккинчиси, бошқа халқлар урф-одатларига кўр-кўрона эргашишдир. Натижада тўй куни келин-куёвнинг қадах уришларини, аёл ва эркакларнинг биргаликда ичиши каби ярамас одатлар пайдо бўлиб, илдиз отиб кетди. Охир-оқибатда шу даражага бориб етдики, бирорта йиғинимиз ичкиликсиз ўтмайдиган бўлди. Ичкилик сезиларли даражада наслимизга таъсир эта бошлади. Инжиқ, камқон, руҳан шикаста болаларнинг туғилиши кўпайди.

Арок дўстни душман, отани қотил, фарзандни падаркуш қилди. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Ҳалифа Усмон ривоятларида бир воқеа баён этилади:

«Бир шаҳарда тақводор киши яшаган экан. Бир аёл унга хушторлик, мақсадига эришиш учун уни ўз уйига таклиф қилибди. Фирибгарлик, муттаҳамликдан йироқ бу киши яхши ният билан унликига борибди. Уйга кирса, аёл эшикни бекитиб олибди. Уйда бир қўза шароб, бир ёш бола бор экан. Аёл шундай шарт қўйибди: ё шаробни ичасан, ё болани ўлдирасан ёки зино қиласан. Донишманд ўйлабди: «бегона аёл билан зино қилсам — гуноҳ, норасида гўдакни ўлдирсам — ундан ҳам катта гуноҳ, майли шаробни ичиб қўяқолай», деб шаробни ичибди. Қаттиқ маст бўлиб, зино иш қилибди, аёл остида ўрмалашиб юрган болани ҳам тепиб ўлдириб қўйибди».

Саудия Арабистонидан ота юртига келиб, бир ой меҳмон бўлган бир ватандошимизнинг бизнинг тўйларимиз ҳақидаги қуйидаги фикридан хулоса чиқарсак арзийди:

«Ватанимга келиб, мустақилликка эришган юрт жамолидан баҳра олдим. Гуллаб-яшнаётган Тошкент, кўҳна ва навқирон Самарқандда бўлдим. Буюк ўзгаришлар бўлаяпти. Энг муҳими — Сиз ўз Ватанингизга эгасиз. Унинг ривожланишидан ҳар бир шу юрт эгаси манфаатдор. Лекин, тўй-маъракаларингизда бўлаётган ошиқча харажатлар, ислом динига ёт урф-одатлар бизларни жуда ранжитди. Айниқса, ичкиликка жуда берилгансизлар. Аёл ва эркаклар, ота ва бола, ака ва сингилларнинг бир даврада тўпирб ичкиликбозлик қилишлари, келин-куёвларнинг қадаҳ кўтариши, маст бўлиб қолган эркакларнинг невараси тенги қизлар билан ўйинга тушишлари, айниқса, давраларги тартибсизликлар бизни жуда ранжитди. Бизда катта-катта бойлар ҳам тўйларда бундай ишни қилмайдилар».

Ҳа, мусофирликда яшаётган ҳамюртларимизнинг гапларида жон бор. Ҳаёт тарзимизни ўзгартириб, тўйларимизни, бошқа маъракаларимизни камчиқим, ичкиликсиз ўтказишни одат қилсак, ҳам маънавий, ҳам моддий бойликларимизга бойлик қўшган бўламиз. Келажак авлод озод ва обод юртда яхши хулқли одамлар бўлиб яшасинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамларни ўтказишни тартибга келтириш юзасидан қабул қилган Фармонига жавобан ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак. Аввало, фуқаролар, ота-оналар, хотин-қизлар ва маҳалла қўмиталари фаол ва ҳамжиҳат бўлишса, айни муддао бўлади.

Даврон ТЕМИРОВ,
Бўка туманидаги 7-мактабнинг олий тоифали биология ўқитувчиси

«ЁШЛАР КИТОБ ЎҚИМАЙДИ»МИ?

Ҳозирги кунда «замон ундоқ, ёшлар бундоқ» деган нолишлар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Лекин, «ундоқ» замон талаблари асосида яшашга ўзимизни мослаштиришни, «бундоқ» ёшларга таъсир ўтказа оладиган йўлларни излаб топиш мумкинлиги ҳақида бош қотириб ҳам ўтирмаймиз. Гўёки бу ишлар фақатгина газета ходимлари-ю телевидение мухбирларининг вазифасидек, ўзимизни четга тортамиз.

Замонавий ёшларнинг муомала маданияти, кийиниш «санъати» ҳақида кўп ва хўп гапирилди. Ана шундай куюнишлар натижаси ўлароқ, кўчаларда миллий атлас либослари, қирқ кокил ёки икки ўрим узун сочлари ўзига ярашиб турган қизлар кўзга ташланиб қолаяпти.

«Гапни гапир уққанга», дейди доно халқимиз. Демак, миллий ғурури, ўзбекона маънавиятидан бутунлай йироқлашиб кетмаган ёшлар ҳали бор экан. Уларнинг тарбиясига жиддий муносабат, жонкуярлик ва қатъият эса, биз катталардан талаб қилинади.

Иккинчи асосий масала эса, ҳозирги ёшларнинг китоб ўқиш, тўғрироғи, «ўқимаслиги» ҳақида. Бунга ҳам, фикримча, катталарнинг эътибори муҳим.

Аслида барчага бирдек баҳо бериш ёки барча ёшларни «китоб ўқимайди»га чиқариш инсофдан эмас, чунки олийгоҳлар, коллеж ва лицейлар ўқув залларида мутолаа билан банд ёшларни, маркази кутубхоналардан машҳур чет эл ёзувчисимаҳкам ёпишиб олишган ёш.

Биз, ўқитувчилар яхши асарни ёки газетадаги ўқишли бир мақолани тарғиб қилсак, дарс мавзусини янгича технологиялар асосида, қизиқарли ташкил қилинган янгича услублар билан тушунтирсак, улар нега ўқимасин, нега уйда китоб варақламасин. Шундай ўқувчилар бор, «Мен умуман китобхонамиздан аввалига кичик-кичик бадиий асарлар, эртак ва шеър китоблари жой олган бўлса, кейинчалик тарихий романлар, саргузашт-фантастик асарлар, чет эл адабиёти намуналари ҳам келиб қўшилди. Ўқувчилар бу китобларни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқишар, бир-бирлари билан фикр алмашиб, баҳс-мунозарага киришишар эди. Бу ҳолни кўриб кўзларим мақсадимга эришаётганимдан қувонар эдим.

Чорак якунига етмасдан кутубхонамиз анча бойиб қолди. Синфдаги барча ўқувчиларга бадиий китоб ўқиш мобайнида ҳаётни ғеранроқ англаб боради, назаримда. Аълочилар қатори яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчиларда ҳам дарсларга қизиқиш, тиришқоқлик кўзга ташлана бошлади. Ҳатто энг шўх ўқувчим олдимга келиб, шундай деди:

— Устоз, шу кутубхонани аввалроқ ташкил қилганимизда янаям яхши бўларди. Ўтган умримга ачиниб кетяпман. Авваліги синфларда яхши ўқиганиганим, дарс қолдириб вақтимни ҳавога совурганларим учун афсусдаман. Энди мен «зеракарли география»ни ҳам, «тушунарсиз» рус, инглиз тили дарсларини ҳам яхши кўриб қоляпман.

Бугун бизнинг кутубхонамизни 150 дан ортиқ китоблар безаб турибди. Фаол китобхонлардан Барно Азизова, Турсуной Қурбонова, Алёр Долимов, Гулбаҳор Жўраева, Бобур Абдулбоқиев, Азиз Неъматовлар китоб ўқиш, кутубхонани янги китоблар билан бойитиш билан бирга янгича ташаббуслар билан чиқа бошладилар.

Биз «Ушбу китобга муносабатим», «Жажжиларни китобларнинг сирли оламига етаклаймиз», «Мутолаа-мулоҳаза» каби мавзуларда баҳс-мунозаралар ташкил қилаяпмиз.

Мавлуда МУҚИМОВА,
Асака туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

КИТОБНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

Шу кунларда телесериалларда берилаётган рекламалар асабга тегмоқда. Майли, керакдирки, реклама берилади. Аммо, айрим пайт 3-5 минутлик рекламаларда 10-15 марта лоторея, печенье, чой ва бошқалар мақталади. Шулар орасида болалар учун чиққан китоб, эртак, бадиий адабиётлар кўрсатилса, ичидаги ҳикоя, эртакдан озгина айтилса, қолганини ўзингиз ўқиб оласиз, деб қизиқтирилса, болаларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам китобга ҳаваси янада ошармиди? Бу гаплар кимларгадир эриш туюлар, лекин келажакни қурувчи ёшларни ўйловчи ҳар бир инсон уңга эътиборли бўлиши керак, деб ўйлайман.

Марат АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи
Ғиждувон тумани

«Маърифат» газетасининг қадрли ижодкорлари, холам менга ушбу хатни қандай юксак ишонч билан топширган бўлсалар, мен ҳам сизларга худди шундай ишонч билан жўнатаяпман. Илтимосимни ерда қолдирмайсизлар, деган умиддаман. Яна мактуб орқали учрашгунча хайр! Соғ ва саломат бўлингизлар.

Нигора РУСТАМОВА

ТАШАККУРНОМА

Ассалому-алайкум «Маърифат» газетасининг қадрли ижодкорлари. Онам, бувим ва уйдагиларимиз номидан сизларга бехад салом йўллаймиз. Шеърларим учун газетангизда озроқ жой ажратганларингиз учун сизлардан миннатдорман.

Сизлардан яна бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Шоир табиати холам Зебунисонинг яккабоғлик шифокорларга йўлланган ташаккурномаларни бор экан. Шуни чоп эттириб берсангизлар. Ахир, «Маърифат» зиёли, маърифатли инсонлар ҳақида сўз юритади-ку.

***

11 йиллик ошқозон азобидан қутулишимга, болаларим, ота-онам, опам, ака-укаларим даврасига соғ-саломат бўлиб қайтишимга сабабчи бўлган Яккабоғ туманидаги 2-шифохона жарроҳлик бўлими ходимлари Ш.Тожиев, Ш.Пирназаров, Манзурахон, Гўзалойим, юнлантириш бўлимидан Машруфахон ва бошқа жонкуяр шифокорларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Оллоҳ барчаларининг кўзларини нам, дилларини ғам, қаторидан кам қилмасин, деган тилакни билдираман.

Зебунисо АБДУСАМИ қизи
Шаҳрисабз тумани, Кутчи қишлоғи

АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

Х синфга дарс бераётиб, «Ўзбек адабиёти» 10-синф учун дарслик деб ёзилган 2001 йилда нашр этилган кирилл алифбосидаги ва 2002 йилда нашр этилган лотин алифбосидаги китобларда берилган маълумот (22-бет) асосида Алишернинг онаси Шайх Абусаид Чангнинг қизи бўлган, исми маълум эмас, деб тушунтирдим. Лекин исми бўлиши керак-ку, деб ўйлардим.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, «Маърифат» газетамизнинг 2004 йил 4 февралда нашр этилган 10-сонида «Навоийни ўрганамиз, камолотга интиламиз» сарлавҳали материал берилиб қолди. Бунда ҳам «Онасининг исми ҳеч бир тарихий манбаларда учрамайди», дейилган экан.

1954 йилда Қўқон давлат педагогика институтида ўқиётганимда, институт кутубхонасидаги 1948 йилги газеталардан Навоий ҳақида берилган маълумотларни ўрганар эдик. Шуни ўйлаб, изланиш керак, дедим. Ниҳоят, мақсадга эришдим. Алишернинг онаси Ҳалимабону экан. Амир Темур вафоти, яъни 1405 йилдан кейин валиаҳд Шоҳрух Мирзо марказий давлатни Самарқанддан Ҳиротга кўчиради...

Андижонлик Исомиддин полвон 2000 суворийга бошлиқ бўлиб Ҳиротга борган. Шоҳрух Мирзо унинг паҳлавонлигини қадрлаб, лашкарбоши Амир Буҳанинг Шаҳрибону деган қизига уйлантирган. Исомиддин ва Шаҳрибону вақти соати етиб, ўғил кўришган — Фиёсиддин. Фарзандлари Фиёсиддин балоғатга етгач, отаси каби мард жангчи бўлган, икки қўллаб қилич урган. Бу йигит, яъни Фиёсиддин Саид Чанг қизи Ҳалимабонуга уйланган, бу оилада Алишер туғилган. Ҳалимабонунинг ғўзал фазилатларини тасвирлашга сўзлар етишмайди...

Бу маълумотлар 1935-1938 йилларда Фарғона педагогика институтида ўқиган, кейинчалик филология фанлари номзоди, доцент даражасига эришган ҳурматли олим Валижон Мирзаевнинг «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1991 йил 24 январь сонида берилган мақоласидан олинди.

Менинг қалб амри билан йўллаётганим бу маълумотларни «Маърифат»да эълон қилсангиз, минглаб адабиёт ўқитувчилари, миллионлаб ўқувчи ва талабалар бу хабардан баҳраманд бўлардилар.

Мунисхон АБДУРАИМОВА,
Жалақудуқ туманидаги 33-мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси

ЭЪТИБОР ИСТАЙМИЗ

Бундан 2-3 йил аввал мактаб кутубхонасида ишлаш жуда осон эди. Йил давомида 4-5 та катта-кичик тадбир ўтказсанг бўлгани. У ёғига хотиржам ишлайсан. Асабинг бузилмайди. Бирок мактабга ижара тизими кириб келгач, кутубхоначиларнинг ишлари кўпайди.

1983-1987 йиллар оралиғида Уйчи туманидан Маданият институтини 29 нафар киз битирган бўлса, хозир шулардан 13 таси кутубхоналарда ишлайди. Колганлари кайта укиб соҳаларини алмаштиришди. Бунинг сабаби нимада? Биринчидан, эрталаб 8.00 дан кечки 18.00 гача ишлайдиган кутубхоначининг ойлик маоши 14 минг сўм. Олий маълумотли, 20 йил иш стажига эга кутубхоначининг ойлиги ҳам, ўрта маълумотли, ҳеч қандай иш стажига эга бўлмаган кутубхоначининг ойлиги ҳам тенг. Демак, ушбу соҳада маълумот олиш «шарт» эмас. Бир кутубхонада 30-35 йиллаб ишлаган олий маълумотли кутубхоначи 14 минг сўм билан пенсияга чиқади.

Мутасаддилар бизнинг соҳамизга ҳам жиддий эътибор қаратишларини истаймиз.

Н.РАСУЛОВА,
Уйчи туманидаги 36-мактаб кутубхоначиси

ШУКРОНА

нинг ўзбек филологияси факультети талабаси бўлдим. Ўқишни тугатгач, менга илк бора сабоқ берган, оқ-қорани танитган устозларим сафига, Мирзо Улуғбек номидаги мактаб жамоасига қўшилдим.

Кеча ўзим ҳайрат тўла кўзларимни устозларимга тиккан синфхоналарда бугун ўзим муаллима бўлиб турибман.

Шунда мен ўйлаб қоламан: агар Ўзбекистон ўзининг истиқлолини қўлга киритмаганида оддий ишчи оиласидан чиққан мен каби минглаб ёшлар ўқиб, олий маълумотли бўла олармиди, жамиятда ўз ўрни, ўз овозига эга бўлармиди!?

Бу орада оиламиз янги ҳовли қуриб, кўчиб ўтди. Шунда мен мустақилликнинг олий неъмат — инсон тафаккурини ёритувчи маёк эканлигини яна бир карра ҳис қилдим. Мустақиллик — инсонда бурч, масъулият туйғуларини шакллантиради.

Давлатимизнинг ўз фуқароларига, ёш авлоднинг буюк келажагига қаратган эътибори самараси бу.

«Маърифат» газетасининг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман ва ундаги материалларни қизиқиш билан ўқиб бораман. Ўзим филолог бўлганим учун газета саҳифаларида эълон қилинган «Алкимёгар», «Бу қишлоқ»тоз, мен-шогирд» каби асарлар менда катта таассурот қолдирди.

Дилдора ЭСАМУРОТОВА,
Қўшкўпир туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

ҲАЛОЛ ЛУҚМА

Қизим, мана бугун 16 ёшга тўлдинг. Мактабни ҳам тамомлаяпсан. Қувончлими ёки йўқми изимдан бормоқчисан. Ўқитувчилик қонингда борда, болам. Ёшлигингда ҳам болаларни йиғиб мактаб-мактаб ўйнардинг. Мен эса, сени четдан завқланиб кузатардим. Тавба, мен болалигимда орзу қилган нарсани сен ҳам ўйларкансан. Болалигимда, "болалар уйида тарбияни бўлиб ишлайман. Етим болаларнинг бошини силайман", деб ўйлардим. Сен ҳам, ойи, пулим кўп бўлса ота-онаси йўқ болаларга, меҳрибонлик уйларига яхшилик қиламан, — дейсан, айтганинг келсин, илоҳим.

Кўнглингнинг тозалиги, бўшлиги яхши. Чунки, ўқитувчи тўғри маънода ҳалол бўлиши керак. Ўқитувчиликнинг нонини ейиш осон эмас. Унинг луқмаси ҳалол бўлади. Бир ривоятни сенга кўп такрорлаганман. Бугун ҳам эшит. Тингласанг, кам бўлмайсан.

Бир донишманд амалдор кишининг уйига сув соттувчи келиб: тақсир, ўғлингиз икки, уч сафардан бери сув тўла мешимни бигиз билан тешиб қочяпти. Ўзингиз биласиз, мен сув сотиб тирикчилик қиламан. Болаларимни шу меҳнат эвазига боқаман. Сизга айтмас эдим-у мендан хафа бўлманг, иложи қолмади, дебди.

Донишманд одам ўғли тешган мешлар учун бир ҳамён пул бериб, «мени кечиринг, бехабар қолибман. Ўғлим билан ўзим гаплашаман», деб, сув соттувчини кузатиб қўйибди. Аёлини чақириб бўлган воқеани сўзлаб берибди.

— Онаси биз фарзандимизга бирор марта ҳаром луқма берувдикми? Мени биласан, доим халқ ичидаман. Сизларга бирор марта ҳаром топилган нарса едирмаганман. Ўйлаб кўр, онаси, — дебди.

Она ўйлаб-ўйлаб бир воқеани эслабди. Аёл ҳикоя қилади:

— Ўзингиз биласиз. Дугонамникига мехмонга боргандим, ўшанда ўғлингизга ҳомиладор эдим. Дугонам дастурхон ёзди. Бор нозу неъматларни дастурхонга тўкиб ташлади. Олинг-олинг, деди-ю дастурхон четида турган қип-қизил анорни ёриб қўймади. Аксига олиб менинг кўнглим шу анорга кетди. Баҳона қилиб, ундан бир пиёла сув олиб келишини сўрадим. Дугонам чиқиб кетгач, кўйлагимнинг ёқасидан тўғноғич олиб, анорни тешдим. Тешилган жойидан сувини сўрдим. Кўнглим сал бўлса ҳам таскин топди.

— Онаси, бориб ўша дугонангдан анор учун розилик сўраб кел.

— Э, кўйсангиз-чи, бу воқеага қанча бўлди-ю нима дейман бориб, уяламан.

— Кўлингдаги тўғноғич ҳаром луқма туфайли ўғлингнинг қўлига бигиз бўлиб тутилибди, яна пичоқ бўлиб бировнинг бўғзига тиқилмасин, — деган экан ҳалиги киши.

Қиссадан ҳисса, ҳаром луқманинг катта-ю кичиги бўлмайди. Фарзанд ота-онанинг қандай тириклик эвазига яшаётганлигини яхши билади. Еяётган луқманг ҳалол бўлсин, болам.

Зулфияхон РАСУЛОВА,
Қўқон шаҳридаги 33-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар муовини

ЭҲТИРОМ

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги 17-ўрта мактабда 1977 йилдан буён бошланғич синфларга дарс бериб келмоқдаман. Шу йилнинг 13 июлида шахмат бўйича жаҳон чемпионини унвонини қўлга киритган халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг буюк ғалабаси мени нафақат ўзбек бўлганлигим учун, балки, она сифатида, устоз сифатида таърифлаб бўлмас даражада руҳлантириб юборди. Ўзбекистоннинг фахри бўлмиш Рустам Қосимжоновни ушбу ғалабаси билан чин дилдан қутлайман ва келгусидаги ишларига улкан муваффақият тилаб қоламан.

Қуйидаги шеъримга эътибор берсангиз, ундаги ҳар бир қаторнинг биринчи ҳарфи дираман.

Ростин айтсам, сенга офарин,
Устозингга раҳмат, эй ўғлон.
Сақлаб қолдинг ўзбекнинг орин,
Туҳфа бўлсин сенга шараф-шон.
Ахир буни таърифлаб бўлмас,
Маҳоратинг ила бахтингни.
Қалам билан қанча ёзсам оз,
Олқишласам бу ҳурматингни.
Сенга устоз бўлган ўша ким?
Илк бор қалам тутқазган инсон?
Мен бўлсайдим шуни сезардим,
Жонга «малҳам» бу ишинг ишон.
Онанг учун «Кўкрак нишони»,
Негаки сен бугун чемпион.
Отанг учун «Юрт ифтихори»,
Ватан учун содиқсан, ўғлон!

Тожихол ЎРИНОВА,
Ургут туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси

ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ!

Таҳририятимизга ўзларининг мақолалари, мактабда бўлиб ўтган тадбирлар ҳақида хабарлар, шеърий машқлари, сценарий, ҳикоя, ҳажвияларини жўнатган қуйидаги муаллиму муштарийларимизга ҳам ташаккур билдирамиз. Янги йилда қаламларингиз янада чархланиб, бундан-да тиниқ, пухта материал тайёрлаб жўнатадилар, деган умиддамиз.

Қорақалпоғистон Республикасидан **Аҳмадбой Қурбонбоев,** эллиқалъалик **Наргиза Матупаева.**

Балиқчи туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси **Нишонбой Раҳмонов,** Қўрғонтепа туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси **Раънохон Эргашева,** Қўрғонтепа енгил саноат КҲК директор ўринбосари **Замира Норматова.**

Бухоро шаҳридан **Отабек Сафаров, Исомиддин Жумаев,** БухДУ талабаси **Дилноза Нутфуллаева,** Ғиждувон тиббиёт коллежи ўқитувчиси **Ашраф Қурбонов.**

Бахмал туманидаги 44-мактаб ўқитувчиси **Бойхўроз Шарипов,** Зарбдор туманидан **Улуғбек Ҳайдаров,** Галлаорол туманидаги 1-лицей-интернат ўқувчиси **Шаҳноза Назарова,** ЖДПИ талабаси **Санобар Бобожонова.**

Зарафшон шаҳридан **Муборак Очилова,** Навоий шаҳридан **Холбиби Саъдинова,** Нурота туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси **Дилдора Рустамова,** Қизилтепа туманидан **Эргаш Атоев.**

Чуст туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси **Адолат Ҳусанова,** Янгиқўрғон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси **Нурмуҳаммад Раҳмонов.**

Каттақўрғон шаҳар ХТБ методисти **Замира Зарипова,** Пахтачи туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси **Насиба Отақулова,** Пойариқ туманидаги 56-мактаб ўқитувчиси **Мусаввар Аскарова,** яна Пойариқ туманидан **Турди Турсунзода, Қилич Мирзаев.**

Гулистон туманидан **Ҳимоят Назарова,** Оқолтин туманидаги 22-мактаб ўқувчиси **Моҳира Юрсунова,** Сайхунобод туманидаги 41-мактаб директор ўринбосари **Каромат Кўзиева.**

Узун туманидаги 55-мактаб ўқитувчиси **Раъно Ёқубова,** Шўрчи туманидаги 41-мактаб ўқитувчиси **Ҳайитали Ҳимматов, Бахтиёр Абдумўминов,** Қизириқ туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси **Маърифат Холбоева,** ТерДУ талабаси **Ойсоат Авазова.**

Марғилон шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси **Анваржон Усмонов.**

Боғот туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси **Ибодулла Худоёров,** Урганч шаҳридан **Замира Раймонова,** Янгиариқ туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси **З.Матрасулова.**

Деҳқонобод туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси **Абдурасул Раҳимов,** Муборак туманидан **Мурод Абдураимов,** Шаҳрисабз туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси **Тоштемир Ашуров,** Қамаши туманидан **Турсунбой Боймиров,** 2-мактаб ўқитувчиси **Нормурод Эргашев,** Қарши шаҳридан **Мансур Жумаев,** «Нуристон» академик лицейи ўқитувчиси **Ҳусан Соатов.**

Қўшсаҳифани Ҳусан НИШОНОВ тайёрлади.

Muqaddas hadisi sharifda aytiladiki, «Mo‘min kishining yo‘qotgan narsasi ilmdir — qayerda topsa, o‘sha yerda olishga haqli».

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

MINNATDORLIK MAKTUBI

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov nomiga Turkmaniston Prezidentidan ko‘hna Buxoro shahriga tashrif chog‘ida ko‘rsatilgan iliq va samimiy qabul uchun minnatdorchilik maktubi keldi.

DO‘STLIK SHARTNOMASI

Ikki mamlakat xalqlari o‘rtasida tarixan shakllanib kelgan do‘stona munosabatlar, yaxshi qo‘shnichilik va o‘zaro hurmatga asoslanib imzolangan “O‘zbekiston Respublikasi bilan Turkmaniston o‘rtasida do‘stlik, o‘zaro ishonchni mustahkamlash va hamkorlikni rivojlantirish to‘g‘risida Shartnoma” matbuotda e’lon qilindi.

8-JILD CHOP ETILDI

O‘zbekiston milliy ensiklopediyasining 8-jildi «Solnoma» maqolasi bilan boshlanib, «To‘ytepa» maqolasi bilan tugaydi. «S» harfining ikkinchi yarmi, «T» harfining asosiy qismidagi maqolalarni o‘z ichiga oladi. Unda jami 3102 maqola bo‘lib, umumiy hajmi 130,0 nashriyot-hisob tabog‘ini tashkil etadi. Shuning 94,8 tabog‘i matn, 35,2 tabog‘i bezak materialdir. Ushbu jildda 800 dan ziyod bezak material (jumladan, rangli xaritalar, rasmlar, oq-qora suratlar) berildi. Ularning ko‘pi originaldir. Maqolalarni tayyorlashda 600 dan ziyod muallif ishtirok etdi.

KONFERENSIYA

Toshkentda mintaqaviy nizolarning oldini olishga, Markaziy Osiyo va Afg‘onistonda barqarorlikni yanada mustahkamlashga bag‘ishlangan xalqaro konferensiya bo‘lib o‘tdi. AQSh, Yevropa va MDH mamlakatlaridan ekspertlar, Shanxay hamkorlik tashkilotining Mintaqaviy aksilterror tuzilmasi, NATO, mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan diplomatik korpus va xalqaro tashkilotlar vakillari ishtirok etgan Konferensiyada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat maslahatchisi Z.Husniddinov so‘zga chiqdi.

МАЗМУНЛИ ТАДБИР

Ҳамза тумани ўқувчилар техник ижодиёт маркази маҳаллалар ва мактаблар қошидаги 114 та тўгаракда 28 та йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўгаракларга жалб қилинган ўқувчилар сони ушбу ўқув йилида 1100 нафардан ортди.

Марказда яқинда, туман ИИБ, туман ёнғин хавфсизлиги бўлими, Йўл патрул хизмати ходимлари билан ҳамкорликда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб «Хавфсизликка беэътибор бўлмайлик» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Кечанинг «Саховатли куз» деб номланган биринчи бўлимида ижодий ишлар кўргазмаси, концерт дастури ҳамда расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбирнинг иккинчи бўлимида сўзга чиққан туман ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори М.Миралимов ўқувчиларга ҳозирги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, уларнинг мудҳиш оқибатлари, ҳамда дарс соатлари вақтида машғулотдан қочиб, турли компьютер ва автомат ўйинларда вақтини ўтказаётган болаларнинг жавобгарлиги ҳақида атрофлича фикр юритди.

Туман ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиқ ўринбосари, ички ишлар майори Ф.Жўраев сўзга чиқиб, ёнғин содир бўлиши оқибатида кўриладиган зарарлар, қиш кунларида болаларнинг севимли машғулотига айланадиган, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган пиротехник воситаларнинг зарарли оқибатлари ҳақида гапирди.

Тадбирда, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла оқсоқоли Э.Дадабоев сўзга чиқди. Учрашув охирида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

З.ЮЛДАШЕВА,
Ҳамза тумани ЎТИМ «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи

УСТОЗЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Марҳамат туманидаги Усмон Носир номидаги 32-ўрта мактабда узоқ йиллар самарали фаолият юритиб келган бир нечта устоз-ўқитувчилар нафақага кузатилди. Шу муносабат билан мактабда ўқувчилар ва уларнинг устозлари билан биргаликда «Сизга таъзимдамиз, азиз устозлар!» номли хайрлашув тадбири ўтказилди. Тадбирда қадрли педагоглар учун байрам дастурхони ёзилди, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Мактаб ўқувчилари қаторида К.Исмоилов бошлиқ «Водий садоси» гуруҳининг бадиий чиқишлари ҳам даврага файз киритди.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Халқ таълими аълочиси

БИЛИМЛАР СИНОВИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Ҳар кун эрта тонг кўчаларни тўлдириб ўқувчилар мактаб сари ошиқадилар. Кунига камида 6—7 соат мобайнида фан ўқитувчиларидан сабоқ олиб, билимларини оширадилар. Жараёнда синовлардан ўтиб, билимларини намоён этиб борадилар. Билимлар кўзгуси эса фан олимпиадаларидир. Бу синов орқали ўқитувчи ва ўқувчи ўзининг ҳақиқий баҳосини олади. Шу туфайли фан олимпиадаларига алоҳида масъулият билан қаралмоқда.

Жумладан, Юнусобод туманидаги 41 та мактабда ҳам 1-босқич фан олимпиадалари янги таҳрирдаги Низом асосида «Билимлар синови ва байрами» шаклида ўзига хос тарзда ўтказилди.

— Янги таҳрирдаги Низомда тасдиқланганидек, умумий ўрта таълим мактаблари қаторига академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари киритилмагани бизга маъқул бўлди, — дейди ТХТБ методика кабинети мудири, ташкилий қўмита масъул котиби Гулчеҳра Расулова. - Чунки олимпиаданинг I, II босқичлари умумтаълим дастурлари асосида ўтказилади. Академик лицейларда эса айрим фанлар чуқур ўрганилади. Демак, академик лицей ва умумтаълим мактаби ўқувчиларининг билимларини алоҳида баҳолаш адолатли иш бўлади.

Биз тумандаги айрим мактабларда бўлиб, фан олимпиадаларининг 1-босқичи қандай ўтаётгани билан қизиқдик. Чунончи, 258-мактаб ўқувчилари ҳам мазкур синовга катта ҳозирлик кўрганига амин бўлдик. Мактаб директори Мақсад Қўзибоева олимпиада қатнашчиларини табриклаб, уларга омад тилагач, белгиланган фан хоналарида олимпиада бошланди.

— Ҳуқуқ фанидан олимпиаданинг 1-турида бу йил қатнашчилар 2 вазифани бажардилар. Жумладан, Конституция моддаларига шарҳ бериш билан бир қаторда турли ҳуқуқий вазиятларни таҳлил қилишга ҳам эътибор берилди. Яна бир маъқул томони, аввалгидек бир модда эмас, 3 моддадан бири танлаб олинди. Демак, ўқувчиларга танлаш имкони берилди, — дейди ўқитувчи Зулхумор Исақулова.

Иқтисод фанидан олимпиада топшириқларидан бири «Атама ва талқинлар» вазифаси ўрнига 5 та масала берилгани ҳам ўқувчиларнинг жиддий синовлардан ўтаётганидан далолатдир.

Кейинги вақтларда Давлат тилига эътибор кучайгани ҳам барча-барчанинг масъулиятини ошираяпти. Олимпиадаларга тайёргарлик юксак савияни талаб қилаётир.

— Олимпиадага жиддий тайёргарлик кўрдик, ўқувчилар билан алоҳида ишлаб, маслаҳатлар бердик, — дейди 257-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси Робия Жабборова. – Аввалги йили ўқувчим Н.Нуриддинов шаҳар босқичида фахрли ўринни эгаллаган эди. Бу йил ҳам ундан умидимиз катта. Ҳақиқий билим эгаси ғолиб чиқишига ишончимиз комил.

Тумандаги 5, 9, 17, 70, 97, 274-мактабларда ҳам фан олимпиадалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса, 260-мактабда физика, кимё фанларидан лаборатория ишлари учун барча асбоб ва жиҳозлар ўз вақтида тайёрланди. 97-мактабда эса олимпиадага бағишланган деворий газеталар ишланди. Энг асосийси, мактаб ўқувчиларининг 80 фоизи олимпиадаларга қамраб олинди.

Демак, йилдан йилга олимпиадага қизиқиш ортиб, унинг имкониятларидан фойдаланиш интилиш кучайиб бормоқда.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma’rifat» мухбири

ИЛМ ИЗЛАБ...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети юртимиздаги энг ёш ва ўзига хос олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Халқимизнинг узоқ йиллик орзуси бўлиб келган бу олий ўқув юртига кириб ўқиш кўпчилик ёшларимизнинг нияти.

Мазкур олий ўқув юртида ўқимоқчи бўлган ёш йигит-қизлар учун уч йил муқаддам ташкил этилган тайёрлов курслари мавжуд ихтисосликлар бўйича кириш имтиҳонлари ҳамда тест синовларига пухта тайёргарлик кўриш имкониятини бермоқда. Унда университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари машғулотлар олиб боришмоқда.

Тингловчилар тарих, инглиз, немис, француз, араб, форс тиллари, она тили ва адабиёти, математика, маънавият ва маърифат асослари фанларидан таҳсил оладилар.

Тайёрлов курси натижалари қувонарли. Жумладан, 2001—2002 ўқув йилида курсларни 26 тингловчи якунлади ва улардан 80 фоизи олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида иштирок этиб, талабалар сафига ўтдилар. 2002—2003 ўқув йили 32 тингловчи битирди ва уларнинг 85 фоизи талаба бўлди, 2003—2004 ўқув йилида эса, 54 битирувчининг 90 фоизи ўқишга муваффақиятли кирди.

Далиллар ва рақамлар воқелик ва ҳақиқий манзарани ифодалайди. Бу ўқувлардан мақсад битта — пухта билимли, заковатли аҳли илмларга тўғри йўналиш бериш ҳамда келгусида юртимиз олий ўқув юртларининг бирида талабалик сафига қўшилишда муайян кўмак бериш. Муқаддас ҳадиси шарифда айтиладики, «Мўъмин кишининг йўқотган нарсаси илмдир — қаерда топса, ўша ерда олишга ҳақли». Мана, шундай эзгу нияти бор ёшларимизга дорулфунун эшиклари очиқ эканини қайд этади.

МУХБИРИМИЗ

«МУҲИМ» ФАН МУҲОКАМАСИ

Тошкент давлат авиация институти(ТошДАИ)нинг «Амалий механика» кафедрасида материаллар қаршилиги фанидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан очиқ дарс бўлиб ўтди. Ундан кўзланган асосий мақсад материаллар қаршилиги фанини ўқитиш услубига доир бир қатор янгиланишларни ишлаб чиқишдир.

Тадбирда Тошкент давлат техника университети, автомобил йўллари ва авиация институтларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, мазкур фанни ўқитишдаги долзарб масалалар хусусида тўхталиб ўтдилар. Сўзга чиққанлар назарий амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари учун ажратилган соатлар етарли эмаслигини алоҳида таъкидлашди. Ўқув дастурларида материаллар қаршилиги фанини бакалавр ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўқитишда номутаносиблик борлигига ҳам эътибор қаратдилар. Замонавий билимларни ўзида акс эттирган, ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган янги дарсликлар яратиш лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтилди. Семинар қатнашчилари тадбир сўнгида республика миқёсида ҳар йилда икки марта ана шундай семинарлар ўтказиб туриш таклифини баён этдилар.

Маъмурахон ҚУТЛИЕВА,
«Ma’rifat» мухбири

«Mehribonlik uyi» direktori Dilorom Madmusaevaning so'zlariga ko'ra, kelgusida shu yerning o'zida sobiq tarbiyalanuvchilar uchun turar joy ham bunyod etiladi.

Hay'at yig'ilishida

«НАМАНГАН — СПОРТЧИЛАР ВИЛОЯТИ»

ушбу таъриф Республика Халқ таълими вазирлигининг вилоятда бўлиб ўтган кўчма ҳайъат йиғилиши иштирокчилари томонидан берилди

Барча ҳудудлар сингари Наманган вилоятида ҳам ёшларни оммавий спортга жалб қилиш, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Натижа ҳам шунга яраша. Ўрганса, оммалаштиришга арзигулик тажриба мактаби яратилди. Республика Халқ таълими вазирлигининг «Таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришда таълим бошқарув идораларининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг аҳволи ва истиқболлари тўғрисида»ги масалани ўз кун тартибига қўйган ҳайъат мажлисининг айнан Наманганда ўтказилишининг боиси ҳам ана шунда. Ҳайъат мажлисида Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, вилоятлар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоятлар филиаллари директорлари, мезбон вилоят туман, шаҳар ХТБ мудирлари иштирок этишди.

Айни пайтгача амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб вилоят халқ таълими бошқармасида вилоят маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси, вилоят телерадиокомпанияси, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашлари билан биргаликда «Таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантириш ва спорт-соғломлаштириш ишларини такомиллаштиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган оммавий тадбирлар дастури» ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда вилоятда 674 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 506411 нафар ўқувчи билим оляпти. Уларнинг 490375 нафари жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланади. Мактаблар қошида 396 та спорт зали, 560 та футбол, 570 та қўл тўпи, 674 та волейбол, баскетбол майдонлари, 670 та югуриш йўлакчалари, 18 та теннис майдони, 10 та сузиш ҳавзаси, 343 та отиш тири каби спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 30 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ), 3 та олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 2 та спорт йўналишидаги лицей-интернатларнинг 130 та бўлимларидаги 1253 та гуруҳда 16969 нафар ўқувчи-ёшлар (3300 нафари қизлар) спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Мазкур мактабларда 557 нафар устоз-мураббийлар спортнинг 24 та тури бўйича ёшларга билим беришяпти. Вилоят бўйича 1790 та жисмоний тарбия фани ўқитувчилари фаолият олиб бораётган бўлса, шундан 708 нафари (39,5 фоиз) олий, 932 нафари (52 фоиз) ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва 55 нафари ўрта маълумотли спорт устаси ва спорт усталигига номзодлар ҳамда 95 нафар бошқа соҳадаги олий маълумотли мутахассисларни ташкил этади. Вилоятда болалар спортини ривожлантиришнинг ҳолати тўрт йўналиш (1-4, 5-7, 8-11 синфлар ва касб-ҳунар коллежлари) бўйича таҳлил этилганда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 506411 нафар ўқувчилардан 185118 нафар (36,5 фоиз)и дарсдан ташқари жисмоний чиниқиш билан шуғулланишга жалб этилган ёки уларнинг сони ўтган ўқув йилига нисбатан 21835 нафарга кўпайган. Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика, акробатика, қиличбозлик, чавандозлик каби турларига ёшларнинг қизиқишлари кучаймоқда. Жорий йилда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда турли корхона ва ташкилотлардан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига 799 млн. сўм маблағ туширилди. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан ташкил этилган кўргазмаларда иштирок этган «Электротерм», «Наманганмехмаш» корхоналарида тренажёрлар, Наманган тикувчилик «Муштарий» АЖ ва бошқа саноат корхоналарида спорт кийим-кечаклари ишлаб чиқарилиб, спорт анжомлари ва кийим-кечакларига бўлган эҳтиёж қондириляпти.

Албатта, болалар спортини ривожлантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки самарасини кўрсатди. Яъни, Наманган туманидаги 20-БЎСМ тарбияланувчиси Достон Турғунов спортнинг каратэ тури бўйича Америкада бўлиб ўтган жаҳон очиқ биринчилиги ғолиби, Чуст туманидаги 8-БЎСМ тарбияланувчиси Илҳом Рахимов бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, шу тумандаги 4-БЎСМ тарбияланувчилари Валентина Бисерова, Мурод Ҳожибоевлар енгил атлетика бўйича республика чемпионлари, яна Чустдаги 6-БЎСМ тарбияланувчиси Мадина Аюбова стол тенниси бўйича республика чемпиони, Наманган шаҳридаги 27-БЎСМ тарбияланувчиси Арсен Асанов катта теннис бўйича республика чемпиони, Тўрақўрғон туманидаги 28-БЎСМ тарбияланувчиси Шерзод Қодиров белбоғли кураш бўйича Республика чемпиони бўлишди.



МУАССАСАЛАРГА ТАШРИФ

Ҳайъат мажлисининг аввалида иштирокчилар Наманган шаҳридаги «Ёшлик» сув спорти мажмуаси ва ундаги 23-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 18-болалар ва ўсмирлар шахмат спорт мактаби, вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Уйчи туманининг Қизилравот қишлоғидаги «Соғлом авлод» маркази, вилоят марказидаги 26-сонли «Меҳрибонлик уйи», Надим Намангоний номидаги 50-умумтаълим мактаби, Норин туманидаги 10-«Булбулча» номли боғча-мактаб мажмуаси, Норинкапа қишлоғидаги «Соғлом авлод» маркази, Учқўрғон туманидаги 9-умумтаълим мактаби (синфдошлар мактаби), шу туман марказидаги кўп тармоқли спорт йўналишига ихтисослашган лицей-интернатларга ташриф буюриб, айни муассасалар ҳаёти, уларда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар, орттирилган тажрибалар билан танишдилар. Спортчи-ёшлар билан мулоқотда бўлдилар.

Бу йил 65 миллион сўм маблағ эвазига қайта таъмирланган «Ёшлик» сув спорти мажмуаси 380 нафардан ортиқ ёшлар сув спортининг сув полоси ва сузиш турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Спортчи-ёшларнинг 50 нафарга яқини қизлардир. Мактабда 3 та сузиш ҳавзаси мавжуд. 33х20 ҳажмли катта сузиш ҳавзасида ватерпол бўйича мамлакат, ҳатто халқаро мусобақалар ўтказилади. Сузишни эндигина бошлаганлар 25х12 ҳажмли ҳавзада илк сабоқларни олишади. Боғча ёшидаги болалар эса, учинчи ҳавзада сузишга ўргатилади. Мактабда кам таъминланган оилалар фарзандларига бир маҳал бепул иссиқ овқат берилиши ва вилоят сув спортини ривожлантириш марказининг ташкил этилиши мактаб раҳбари Равил Вишняков ташаббусининг мевасидир. Марказнинг вазифаси сув спорти бўйича вилоят, мамлакат терма жамоаларини халқаро мусобақаларга, Осиё, жаҳон биринчиликларига тайёрлаш, ёшларга сув спорти сирларини ўргатишдан иборат.

— «Бу ерда чемпионлар тайёрланади» дейишганди бизга. Муассаса ҳаёти ва фаолияти билан танишиб, чиндан ҳам бунга гувоҳ бўлдик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Бекдулла Султонов.

Уйчи туманининг Қизилравот қишлоғида фаолият юритаётган «Соғлом авлод» маркази 2001 йил («Соғлом авлод йили»)да ишга туширилган. Умумий майдони икки гектардан иборат ушбу марказда енгил атлетика йўлакчасига эга бўлган 104х62 ҳажмли футбол ўйингоҳи, 2 та волейбол, 2 та баскетбол, 2 та кураш, 2 та стол тенниси, қўл тўпи, бадминтон майдончалари, теннис корти, бокс ринги, армрестлинг жиҳозлари мавжуд. Марказнинг 20 та спорт секцияларига мандаги 8, 25, 5, 9, 42 ва 45-мактаблардан 420 нафардан ортиқ ёшлар жалб қилинган. Баъзида уларнинг сони 700 нафаргача етади. Энг асосийси марказ ҳашар йўли билан бунёд этилган. Бугун марказда вилоят, мамлакат миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш мумкин. Бир вақтлар хўжаликнинг ташландиқ ҳолга келган дала шийпони таъмирланиб, айни пайтда ёшларнинг севимли масканига айланишини ким ўйлабди, дейсиз. Ҳайъат иштирокчилари марказга келганларида шаррос ёмғир ёғаётганди. Буни қарангки, табиатнинг ушбу инъоми ҳар қанча уринмасин бу ердаги гавжумликни сўндира олмас, ёш спортчиларни эса, шаштларидан қайтаролмасди.

***

Президентимиз томонидан 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши 26-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиларига ҳам олам-олам қувонч ҳадя этди. Чунки Наманган шаҳрининг Оромгоҳ дахасида «Меҳрибонлик уйи»нинг янги биноси қад ростлади. Қарийб 7 гектар майдонни эгаллаган ушбу муассаса қурилишига 900 млн. сўм маблағ сарфланди. Мана 4 ойдирки, «Меҳрибонлик уйи» 120 нафар қалби меҳрга ташна болажонлар билан гавжум. Ҳайъат мажлиси иштирокчилари учун яратилган шароитлар билан танишдилар. Спорт иншоотларида меҳмонлар тарбияланувчилар билан стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича қисқа муддатли беллашув ҳам ўтказдилар. Тарбияланувчиларга болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан футбол, волейбол, баскетбол тўплари каби спорт анжомлари туҳфа этилди.

— Менда ҳар бир тарбияланувчи биттадан кўчат ўтказиб барпо этилган мўъжазгина боғ катта таассурот қолдирди, — дейди Сирдарё вилоят ХТБ бошлиғи Бахтиёр Дониёров, — бу ниҳоллар келгусида уни ўтқазган болажонлар сингари ширинидан шакар мевалар бериши шубҳасиз.

«Меҳрибонлик уйи» директори Дилором Мадмусаеванинг сўзларига кўра, келгусида шу ернинг ўзида собиқ тарбияланувчилар учун турар жой ҳам бунёд этилади.

Учқўрғон туманидаги кўп тармоқли спорт йўналишига ихтисосланган лицей-интернат бундан 2 йил муқаддам «Учқўрғон пахта тозалаш» ХЖ, «Учқўрғонёғ» ХЖ, «Учқўрғондонмаҳсулот» АЖ ҳомийлигида қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилган. Интернатда бугунги кунда 401 нафар 7-11-синф ўқувчилари тарбияланишяпти. Уларнинг орасида мамлакатимиз пойтахти ва қўшни Андижон, Фарғона вилоятларидан келганлари ҳам бор. Лицей-интернатда ўқишни хоҳловчилар ўзлари танлаган спорт тури бўйича ижодий имтиҳон ҳамда биология, она тили ва адабиёти фанларидан тест синовларини топширадилар. Ўқиш давомида улар 4 маҳал бепул овқат ва турар-жой билан таъминланадилар.

Ҳайъат мажлисининг якуний қисми ана шу муассасада бўлиб ўтди. Мажлис аввалида таълим соҳасини ривожлантиришда алоҳида намуна кўрсатган бир гуруҳ педагогларга ва саховатпеша инсонларга «Халқ таълими аълочиси» ва «Таълим ҳомийси» кўкрак нишонлари топширилди.

— Мажлисни ўтказиш учун Наманган вилоят бежиз танланмади. Чунки вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган, — деди мажлисни бошқарган Халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Туробжон Жўраев.

Ҳайъат мажлиси қарорига биноан вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси филиаллари раҳбарларига жамғарма иншоотларини тўла халқ таълими тизимига ўтказиш, шу йилнинг 10 декабрига қадар барча жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда болалар спортини ривожлантириш бўйича Наманган вилояти тажрибасини республика бўйича оммалаштириш вазифаси юкланди.

Ҳайъат мажлисида вилоят ҳокими Икромхон Нажмиддинов иштирок этди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири
Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Maktablarda uslubiyot xonalari, xususan, o‘quv ishlari bo‘yicha direktor o‘rinbosarlarining xonasini bugungi kun talabi darajasida jihozlash va bezatish bo‘yicha namunalar berilsa, biz kabi amaliyotchilarga juda katta yordam bo‘lardi.

Ma'rifat

МАТБУОТ МАВЗУСИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда республикамиз бўйлаб Халқ таълими вазирлиги муасссислигида чоп этилаётган таълимга оид газета ва журналлар таҳририятлари ижодий ходимлари иштирокида матбуот кунлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлар ўтган ҳафтада Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилди. Таҳририят ходимлари дастлаб туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари мутасаддилари ҳамроҳлигида умумий ўрта таълим мактаблари, сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларига ташриф буюришиб, у ердаги устоз-мураббийлар ва олимлар билан очиқ мулоқотлар уюштиришди. Бундай учрашувлар давомида, албатта, мамлакатимиз таълим тизимида кечаётган туб ислоҳотлар муҳокама қилиниб, бу борада давлатимиз раҳбарияти ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган фармон, фармойиш ва қарорларнинг мазмун-моҳияти чуқур ўрганилади, тегишли хулосалар чиқарилади.

Жойларда ҳар томонлама қизиқарли ва жонли ўтган, асосийси, барча учун ўзаро фойдали бўлган учала вилоятдаги учрашувларнинг якуни Бухоро ва Самарқанд вилоятлари педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ҳамда Навоий шаҳрининг 11-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилди.

Қуйида учрашувларда билдирилган муштарийларимиз фикр-мулоҳазалари, таклифларининг айримларини келтириб ўтамиз.

Зулфия НАВРЎЗОВА, Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— “Маърифат” — мактабгача таълим муасссасаси тарбиячисидан тортиб мактаб, лицей ва коллеж, олий таълим муассасаси ўқитувчиларигача севиб ўқийдиган, ҳар чоршанба ва шанба кунлари орзиқиб кутадиган газетадир.

Айниқса, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилаётган таълимни такомиллаштириш борасидаги меъёрий ҳужжатларнинг “Маърифат”да изоҳли шарҳлари билан мунтазам равишда бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Ўтган ўқув йили давомида бериб борилган “Кутубхона” саҳифаси мактаб кутубхоначиларига жуда ҳам қўл келди, деб ўйлайман. “Мактаб кутубхоналари фаолиятларини такомиллаштириш ўқув йили”да Республика илмий-педагогика кутубхонаси ходимлари томонидан тайёрланган саҳифалар бизга катта ёрдам бўлди.

Энди маъқул бўлмаган бир жиҳатга тўхталсам. Ҳозирги пайтда барча газеталарда турли хил даражадаги кроссвордлар, сканвордлар кўпайиб кетди. “Маърифат”да бунинг асло ҳожати йўқ. Майли, дарсга, ўқув жараёнига кераклисини киритинг. Масалан, маълум бир фан бўйича ёки фаннинг бир бўлимига оид саволларни ҳар бир ўқитувчи қизиқиб ечишига аминман. Аммо, ҳаммабоп кроссвордлар керак эмас. Бу газета салмоғини, қолаверса, нуфузини туширади. Унинг ўрнига ўқитувчиларга ёрдам тариқасида фанларга оид тест саволлари берилса, бу иш жараёнида кўпчиликка асқотади.

Сайфулла ТОШЕВ, Қоровулбозор туманидаги 7-ўрта мактаб директори:

— Ҳар йили умумхалқ байрамлари арафасида “Маърифат”нинг махсус рангли сонлари чоп этилади. Истардикки, ўқитувчиларнинг касб байрамида мана шундай рангли безакли газета ҳар бир муштарий ўқитувчи хонадонига етиб келса. Тушунамиз, бунга катта харажат кетади, лекин бу оддий ўқитувчига қанчалар қувонч ва шодлик бағишлашини бир тасаввур этиб кўринг-а.

“Маърифат” — бизнинг доимий маслакдошимиз. Эътиборлиси, “Йил ўқитувчиси” республика кўрик-танлови қатнашчиларининг иш тажрибаларини биринчи бетда суратлари билан бериб бориш анъанаси янги йилда ҳам давом этсин. Яна битта таклиф бор. Йилига бир марта бўлса ҳам газетанинг яхлит бир сони алоҳида бир туманнинг маориф соҳаси ва маърифатпарвар таълим фидоийларига бағишланса, нур устига нур бўларди. Шунда муштарийлар чекка туман ва шаҳарларда халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган кўп ишлардан баҳраманд бўларди.

Зулхумор РАҲМАТОВА, Қоровулбозор туман халқ таълими бўлими мудири:

— Ҳозирги пайтда мактабларда меҳнат фаолиятини янгидан бошлаётган ёш мутахассисларнинг аксариятида педагогиканинг дидактика, яъни ўқитиш назариясидан билими паст бўлмоқда. Айрим ҳолларда ўша кадрнинг билими бору, аммо оддий дарс конспектини ёзишида муайян бир қийинчиликларга дуч келишлари жуда ачинарли ҳолдир. Шу боисдан ҳам “Маърифат”да ёш ўқитувчилар учун услубий ёрдамни таъминлаш мақсадида янги рукн ташкил этилиши тарафдориман.

Бибижон ТЕМИРОВА, Қоровулбозор туманидаги 2-ўрта мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор муовини:

— Мактабларда услубиёт хоналари, хусусан, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларининг хонасини бугунги кун талаби даражасида жиҳозлаш ва безатиш бўйича намуналар берилса, биз каби амалиётчиларга жуда катта ёрдам бўларди. Бундан ташқари, бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам услубий ишланмалар кўпроқ берилишини истаймиз.

Саломатхон ВОҲИДОВА, Бухоро вилоят ПҚТМОИ педагогика, психология ва бошланғич таълим кафедраси катта ўқитувчиси:

— Мен шу нарсани алоҳида таъкидлашим жоизки, ўқитувчи қанчалик кўп изланса, ташаббус кўрсатса, унинг меҳнатида шунчалик кўп самарадорлик бўларкан. Мана масалан, ўтган ўқув йилида икки нафар ўқитувчи — вобкентлик А.Қутлиева ва қоракўллик О.Бобоевларнинг иш тажрибалари “Маърифат” саҳифаларида кенг ёритилиб, оммалашганди. Натижада улар бир қанча мукофотларга сазовор бўлишди ва яқиндагина ташкил этилган аттестация жараёнида муносиб баҳоланмоқда. Демоқчи бўлганим, биз ўқитувчилар ўз тажрибаларимизни кўпроқ тарғиб қилишимиз, касбдошларимиз билан ўртоқлашишимиз керак. Бунинг учун эса, севимли газетамиз саҳифаларидан доимо ўрин ажратилишига ишонаман.

Мухтор АЗИМОВ, Ғиждувон туманидаги 54-мактаб ўқитувчиси:

— Негадир, матбуот саҳифаларида танқидий мақолалар кам. Журналистларимиз инсон дардини тўлалигича айта билсин. Асосли бўлса, нечун танқидни бермаймиз? Ҳаёт ҳақиқатлари тўғри ёритилса, менингча, ҳар қандай оммавий ахборот воситасининг нуфузи ортади.

Лайло КАРИМОВА, Галаосиё педагогика коллежи ўқитувчиси:

— Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, икки ёш ўртасида бўладиган муносабатлар, рўй бериши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш масалаларини акс эттирувчи мақолаларга ҳам эҳтиёж бор.

Абдуғани САЪДИНОВ, Навоий шаҳридаги 7-мактаб директори:

— Газета саҳифаларида мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш борасида, айниқса, 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичи ва турлари билан қамраб олиш масалаларига бағишланган мақолалар кўпроқ берилса, барча учун фойдадан ҳоли бўлмасди. Зеро, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Шунингдек, тарбияси қийин болалар билан ишлаш муаммолари хусусидаги материаллар ҳам жуда зарур. Сабаби, ана шундай тоифадаги болаларни таълимга жалб этишнинг ижобий йўллари тўғрисида мақолалар ёритилса, мактаб ўқитувчилари, айниқса, синф раҳбарлари қизиқиб ўқийди, деб ўйлайман.

Абиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти ПҚТМОИ проректори:

— “Маърифат”да хориж давлатлари ҳақида материаллар мунтазам равишда бериб борилмоқда. Бунга миннатдорчилик билдирамиз, албатта. Аммо, халқаро таълим тизими, хусусан, чет элда ўқитишнинг замонавий усул-услублари, янги педагогик технология элементларининг таълим жараёнига кириб келиш жараёнини акс эттирувчи материалларнинг кўпроқ берилишини хоҳлаймиз.

Комилжон ҲАЙДАРОВ, Самарқанд вилояти ПҚТМОИ доценти, фалсафа фанлари номзоди:

— Газета сўнгги пайтда ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатларидан анча кенгайган. Ҳатто, “Маърифат” барчанинг қўлдан ташламай ўқийдиган газетасига айланди, деб тўлиқ ишонч билан айта оламиз. Бунга қишлоғимизда Шароф ака деган ҳайдовчининг ҳар йили бу газетага обуна бўлиши ёрқин мисол бўла олади.

Мактаб, лицей ва коллежлар, олий таълим муассасаларидаги учрашувларда шу каби фикр-мулоҳазалар кўп бўлди. Газетамизнинг янги йилдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қизиқарли таклифлар ҳам берилди. Буларнинг барчаси, албатта, таҳририят томонидан инобатга олинади. Асосийси, муштарий билан қалам аҳли ўртасидаги мана шундай очиқ мулоқотлар ҳамиша давом этсин.

Нурлан УСМОНОВ, “Ma’rifat”нинг махсус мухбири

Obuna — 2005

ЮТУҚЛАРИМИЗДА ГАЗЕТАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР

Бир неча йиллардан буён мактабимизда тарих фани чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитилаяпти. Бу ўз навбатида яхши самара бераяпти. Ижтимоий фанлар бўйича ўтаётган кўрик-танлов, шунингдек, фан олимпиадаларида ва бошқа мусобақаларда туман, вилоят мактаблари ўртасида ўқувчиларимиз қувончли натижаларни қўлга киритишаяпти.

Мен бу фикрларни айтишимнинг боиси, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида, асосан, тарих фани бўйича ўқув дарсликлари етишмаган бир пайтларда севимли газетамиз “Маърифат” ўз саҳифаларида туркум саҳифалар ташкил этиб, таъбир жоиз бўлса, муаллимларимизнинг оғирини енгиллаштирди. Эсимда, ўша йилларда тарих фани муаллимлари “Маърифат”дан дарслик ўрнида кенг фойдаланишди.

Айни кунларда ҳам “Маърифат” газетаси ўз ўрни ва обрў-эътиборига эга. Ўқитувчиларимиз, ҳатто ўқувчиларимиз газетанинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутишади. Сабаби, газета бугунги кунда ҳам таълим-тарбия ишининг барча соҳаларини қамраб олган. Дарс ўтиш жараёними, синфдан ва мактабдан ташқари олиб борилаётган ишларми, маҳалла ва ота-она ҳамда мактаб ҳамкорлигими ёхуд чет эл педагогикасининг илғор тажрибаларими, ҳамма-ҳаммаси ҳақида “Маърифат” ўз муштарийларига сабоқ бераяпти.

Мамлакатимиз Президенти мактаб моддий базасини яхшилашга, ўқув-тарбия бинораларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, авария ҳолатидаги мактаб бинолари ўрнига намунавий лойиҳалар асосида янгиларини қуриш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш масаласига алоҳида аҳамият бермоқда.

Мавжуд 26 та синфда 720 нафар мубораклик ёшлар таълим-тарбия олишаётган илм масканимиз биносининг қурилганига 20 йилдан ошди. Қувонарлиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармони шарофати билан мактаб 2005 йилда капитал таъмирланадиган бўлди. Бу хушхабардан жамоамиз аъзолари, ўқувчиларимиз, кўпсонли ота-оналаримиз беҳад хурсанд.

Мактабимизда таълим-тарбия иши яхши йўлга қўйилган, деб айта оламиз. Ўқув даргоҳи бир неча йиллардан буён Муборак тумани мактаблари орасида мониторинг таҳлилларига кўра фахрли биринчи ўринни қўлдан бермай келаяпти. Мактабимизда ўқувчи иқтидорига алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, иқтидорсиз бола бўлмайди. Ҳар бир болада қайсидир бир йўналишда қобилият бўлиши тайин. Муаллим эса ана шу иқтидорни теран англаб етмоғи, тарбияламоғи, камолга етказмоғи керак. Лекин қандай қилиб? Бу томони эса муаллимнинг фидойилигига, ўз касбини севишига ва касбий маҳоратига бориб тақалади. Мактабимизда маҳоратли, иқтидорли ўқувчилар жуда кўп. Муаллимларимиз улар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Масалан, ўтган йили 10-синф ўқувчиси Шаҳноза Раҳмонова Зулфия мукофоти совриндори бўлди. 6-синф ўқувчиси Насиба Раҳмонова 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш кунида “Истиқлол чечаклари” республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади. 9-синф ўқувчиси Шоҳсанам Қораева айни дамларда Зулфия мукофотини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларимиз туман ва вилоят миқёсида ўзларини яна бир бор кўрсатишди. 9-синф ўқувчиларидан биратўла 4 нафари тарих, инглиз тили, рус тили ва география фанлари бўйича туман ғолиблигини қўлга киритиб, Қашқадарё вилояти ўқувчилари фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгалладилар. Шунингдек, “Иқтидорли ўқувчилар” кўрик-танловининг вилоят босқичида мактабимизнинг 11 нафар ўқувчиси ўн бир йўналиш бўйича иштирок этдилар...

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимида ислоҳотлар шиддат билан давом этаяпти. Унга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, умуман, барча таълим ходимлари янада чуқурроқ изланишлари лозим. Бу эзгу ишларда “Маърифат” муаллимларимизга камарбаста бўлишига ишончимиз комил.

Ҳалима ЖУМАЕВА, Муборак туманидаги 4-мактаб директори

Qaror va ijro

УСТАМА ҲАҚ БЕЛГИЛАШ ХОЛИС МЕЗОН АСОСИДА БЎЛАДИ

Табиийки, ойлик маошига қўшиладиган устама барча ўқитувчига ҳам берилавермайди. Қолаверса, унинг миқдори ҳам ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига қўшадиган шахсий улушига қараб, турлича бўлади. Асосий мезон эса, тегишли синфлар ва предметлар учун давлат стандартларида назарда тутилган билим ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан нечоғлик ўзлаштиришига боғлиқ. Бундан умумтаълим муассасаларида тузиладиган комиссиялар ўқитувчиларнинг ўтган ўқув йилидаги ишларини баҳолаш натижалари бўйича хулоса чиқариши аён.

Шаксиз, ушбу мезон — адолат тамойили. Аммо ўқитувчилар ва методистларнинг асосий иш ҳақига устамалар белгилаш тартибидаги айни шу мезонга айрим ўқитувчилардаги тушунмовчилик сабаб эътирозли фикрлар ҳам учраб турибди. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчилари — Д.Эргашева ҳамда Б.Абдуаҳатов томонидан таҳририятимизга юборилган мактубда ҳам худди ана шундай эътирозли фикрларнинг келиб чиқишига омил бўлаётган бир сабаб кўрсатиб ўтилган. Унда жумладан, шундай дейилади:

“Вазирлар Маҳкамасининг ўқитувчиларни устама ҳақ билан рағбатлантириш ҳақидаги 335-сонли қарори бизни жуда қувонтирди. Бу қарор асосида ишлаб чиқилган Низомни, бизнинг фанларни чуқур ўрганувчи ихтисослашган мактаб ўқитувчилари ҳам атрофлича ўрганиб чиқди.

Тузилган комиссия хулосаларига кўра, кўпгина ўқитувчилар маълум фоизли устама ҳақ оладиган бўлишди. Аммо, кўп йиллик тажрибага эга, олий тоифали ҳамда баъзи Давлат мукофоти ҳамда унвонлари совриндори бўлган ўқитувчилар — бизлар (мазкур мақола муаллифлари ва бошқалар) ўқув жараёни бўйича (синф раҳбарлиги бўйича алоҳида) умуман устама ҳақига лойиқ топилмадик. Сабаби, устама ҳақ бериш тартиби ўқувчиларимизнинг ўтган йилнинг қандай якунлаганларига қараб, яъни уларнинг йиллик ёки якуний баҳоларига қараб, ўқитувчиларнинг ўқитиш самарадорлигига қараб аниқланди ва натижага кўра, Низомда кўрсатилганларга асосан, маълум фоизли устама белгиланди. Баҳога қаттиқ қўл биз ўқитувчилар имкониятдан маҳрум бўлдик, чунки самарадорлигимиз 50 фоизга етмади”.

Таҳририят ушбу хатда келтирилган эътирозли жиҳатларга атрофлича жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилди. Қуйида вазирликдан олинган жавоб хати эътиборингизга ҳавола этилмоқда:

“Ҳурматли Д.Эргашева ва Б.Абдуаҳатов! Сизнинг хатингиз билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли “Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида”ги Қарори ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссасини аниқлаш ва шунга қараб махсус устамалар ҳажмини белгилаш, ўқитувчи меҳнатига холисона ва ҳаққоний баҳо бериш, уни рағбатлантириш, иши натижасининг самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Мазкур қарор ўқувчиларга билим беришни бундан ҳам яхшилаш, шу билан бирга баҳолаш усулларини такомиллаштириш, холисоналикни кучайтириш, субъективликдан тезроқ холис бўлиш, ДТС талабларини фаолиятимизнинг асосий мезони, деб қабул қилишга қаратилгандир.

Шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ҳар бир мактабда махсус комиссиялар ва уларнинг ишчи органлари ташкил этилди. Мазкур комиссиялар “Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низом”да кўрсатилган мезонлар асосида ҳар бир ўқитувчининг таълим ва тарбия жараёнида эришган натижаларини ўрганиб чиқиб, уни йил давомида ўтказилган ташқи мониторинг натижалари билан қиёсланган ҳолда таҳлил этиб, хулосалар чиқарилади ва бу жараён 2004-2005 ўқув йилининг биринчи ярим йиллик натижасига кўра қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Мактабингизда ташкил этилган комиссиянинг ҳар бир аъзоси ҳам Низомнинг мазмун, моҳияти ва талабларини чуқур тушунган ҳолда ўқитувчи фаолиятини чуқур ва холисона таҳлил қилиб, устама ҳақ оладиган ўқитувчилар қаторини кўпайтириши мумкин.

Мезонлар ўқитувчи фаолиятининг барча қирраларини қамраб олган ва шу сабабли унга тўла баҳо бериш имконини беради.

Мактабингиз ихтисослашган мактаблардан бири бўлса, албатта, ўқувчилар билими анча юқори бўлиши керак. Биринчидан, ушбу турдаги мактабларга ўқувчилар танлаб олинади, иккинчидан, ўқувчилар чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитилади. Учинчидан, бошқа мактабларга нисбатан мазкур мактабларнинг ўқувчилари билим олишга кўпроқ қизиқишади, интернат бўлганлиги сабабли ўқиш жараёни оддий мактабдан фарқ қилади ва ўқувчиларнинг кўпроқ шуғулланишига шароит ва имкон бўлади. Шулар натижасида, албатта, сиз фаолият кўрсатаётган мактаб ўқувчиларининг билими бошқа мактаб ўқувчиларига нисбатан юқорироқ бўлиши табиий бир ҳол.

Ўқувчи билимига баҳо бериш ўқитувчи зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди ва ўқитувчидан биринчи навбатда мавжуд баҳо қўйиш мезонларига таяниш, холисоналикка асосланишни талаб этади. Лекин ҳамма вақт ҳам ўқувчининг билим, кўникма ва малакасини баҳолашда ўқитувчилар бу томонларга тўла эътибор беришмайди.

Аммо сиз “ўқувчиларимизга тўғри баҳо қўйиб бораяпмизми?” деган саволга ўзингиз келтирилган мисоллар асосида жавоб топишингиз мумкин. “Баҳога қаттиққўл” бўлиш баҳолаш усулларига кирмайди. Баҳолашда ўқувчи билимининг Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бериши асос бўлиши лозим ва бу жараённи амалга оширишда субъективликка йўл қўймаслик керак, “қаттиқ қўллик” билан бирга ўқитувчи фаолияти ўқувчиларнинг билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва тўлдириш жараёнини ташкил этишга ва ўқувчининг билим, кўникма ва малакасини оширишга қаратилиши лозим. Мазкур талаблар бажарилганда, устама белгиланган бўлар эди.

Устама ҳақ тўлаш ўқитувчининг қандай нишонларга, қайси тоифага (ўқитувчининг ойлик маоши тоифага қараб белгиланади) эга эканлиги асосида эмас, балки ўқувчилар билимининг ДТС талабларига қайси даражада мос келиши асосида амалга оширилади. Сиз томондан билдирилган таклифлар “Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низом”нинг 2-иловасида ўз аксини топган.

Й.АСАДОВ,
ХТВнинг умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи

Davra suhbati

ФИДОЙИЛИК ВА РАҒБАТ

ўқитувчи меҳнатини моддий рағбатлантириш изланиш, ижодкорлик, баҳс-мунозараларга чорлаб, ўқувчиларнинг билим савиясига ижобий таъсир этмоқда

Таълим соҳаси хусусида тўхталиб, элнинг, юртнинг тақдири бугун мактаб парталарида таҳсил олаётган фарзандларимизнинг салоҳият ва тафаккурига боғлиқлигини идрок этганимиз сари ҳазрати муаллимнинг меҳнати нечоғлик масъулиятли ва муҳим аҳамият касб этишишини чуқурроқ англай борамиз. Беихтиёр ўқитувчи ва фидойилик тушунчалари ёнма-ён туриши шарт деган иқрор қарашларимизда қайта ва қайта чарх ураверади.

Вазирлар Маҳкамасининг ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг қўшаётган ҳиссасини холисона баҳолаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчи ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмини ва мезонларини ишлаб чиқиш мақсадида “Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида”ги қарори ҳақиқий фидоийликнинг улуғланиши сари яна бир йўл очди.

... Даврага йиғилган халқ таълими ходимлари билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Бу гурунгдаги бир руҳ — адолатли қарорлар, мамнуният, ишонч, ижодий изланишлар, уйғоқ ва дадил фикрлар бизни суюнтирди.

Замира КАРИМОВА, Қизилтепа туманидаги И.Хўжаев номидаги мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:

— Тўғриси, ўқитувчи бу қарорни анчадан буён кутган эди. Чунки, инсон ўз меҳнати қадрланишига табиий ҳолда эҳтиёж сезади. Мактабимизда 150 нафар ўқитувчи меҳнат қилади. Қарорнинг ижросини тўғри ва ҳаққоний таъминланиши учун тўққиз кишидан иборат комиссия муаллимларимизнинг фаолиятини ҳар томонлама эринмасдан ўрганиб чиқди. Комиссия иш олиб бораётган жараёнининг ўзиёқ ўқитувчиларимизни ўз устида янада изчилроқ ишлашга, меҳнатининг самараси ўқувчисининг ақлу шуурида чарақлаб туриши учун янги-янги услубларни қўллашга ундаши мени жуда қувонтирди. Чунки, Низом талаблари ўқитувчи маҳорати ва ўқувчининг билим даражасини узвий таҳлил этишни талаб этади. Ҳамкасбларимизнинг кайфиятида шуни сездимки, бу ўриндаги фақат моддий манфаатдорлик ҳақида эмас. Бу рағбатлантириш унга ота-оналар, шогирдлари, жамоаси олдида юзи ёруғлик, ифтихор, ғолибликдек тотли туйғуларни ҳадя этадики, бу кишини фақат жон дилидан ишлашга чорловчи маънавий бир қудратдир.

Дилрабо НАЗАРОВА, Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси:

— Бу рағбатлантириш талаблари шунчалар оқилона ва одилона ижрони талаб этадики, комиссия хулосалари худди муаллим фаолиятининг кўзгусидек унинг камчиликларини ҳам, ютуқларини ҳам намоён этади қўяди. Очиқ айтиш керак, ҳали ҳам мактабга мудроқ ҳолда келиб кетаётган ўқитувчиларимиз йўқ эмас. Биргина бизнинг мактабимиз мисолида оладиган бўлсак, мана шу саралаш давомида ҳар биримиз нимага қодирлигимизни яна бир бора имтиҳондан ўтказиб олдик. “Ёнимдаги касбдошим эришган муваффақиятга, наҳотки, мен етиша олмасам?” деган ички бир ўз-ўзидан кўнгли тўлмаслик, албатта, кишини сергаклантиради. Ўзингиздаги янгиянги имкониятларни ишга солишга ундайди.

Мухбир: — Қарорни жойларда амалга оширилиши жараёнида ноҳақликларга йўл қўйилаётган томонлари кузатилмаяптими?

Шоймамат УЛУҒМУРОДОВ, Навбаҳор туманидаги 31-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:

— Низомда ўқитувчининг касб маҳорати, ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифатини таҳлил этиш баҳолаш мезонлари банд-банд белгилаб қўйилганки, бу талаблар ҳар қандай йўл қўйилиши мумкин бўлган хуфиёна ҳаракатларни ошкор этади. Нохолисликнинг юзага келиши, эса муассаса раҳбарияти обрўсига путур етказади. Бу бир жиҳат. Иккинчидан, бугунги ўқитувчи ўз ҳақ-ҳуқуқларини, қадр-қимматини ҳимоя қила оладиган зиёли шахс эканлигини ҳам унутмаслик керак. Назаримда, мазкур қарор таълим соҳасида туб бурилиш ясашга замин яратувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Хурсаной МУХТОРОВА, Навбаҳор туманидаги С.Айний номидаги мактаб директори ўринбосари:

— Комиссия хулосаларини якунлаш жараёнида шундай ҳолатларга дуч келдикки, бу айрим эътирозли саволларга ҳам сабаб бўлди. Яъни низомнинг 5-банди талабларига кўра устама ҳақ олувчи кейинги 3 йил ичида малака ошириш курсини ўтаган бўлиши лозим экан. Лекин бизда кўп йиллик тажрибага эга, фидойи муаллимларимиз бор. Фақат ана шу бандниг ижроси боисгина биз уларни рағбатлантиришга тақдим этолмадик. Шу ҳақда ўйлаб кўрилса, дегандим.

Лутфия САТТОРОВА, Навоий вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудири:

— Албатта, тажриба — ютуқлар гарови. Буни тан олган ҳолда бир ҳақиқатни ҳамиша ҳис қилиб туриш керак, назаримизда. Ҳаёт ҳамиша янгиланишда. Айниқса, кейинги йилларда таълим соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, юксалишлар ўқитувчини давр билан ҳамнафас бўлиб яшаши шартлигини кўрсатмоқда. Замонавий билим, илму фан оламидаги янгиликлар, ўқитувчининг олдига қўйилаётган талаблар, меъёрий ҳужжатлар мазмун моҳиятини эса малака ошириш курслари орқалигина теранроқ тушуниш мумкин. Ундан ташқари, узоқ ва яқин мактаблардаги муаллимларнинг учрашиб фикрлашишлари ҳам катта мактаб вазифасини ўташи шаксиз...

Халқимизда кўпчиликка ёд бўлиб кетган оддий бир нақл бор: “Ҳаракатда — баракат”. Энг асосийси, жойларда ана шу ҳаракатнинг борлиги. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори муаллимлар ўртасида ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш, унинг самарасига ишонишдек туйғуни яна бир бора уйғотгани, умидли ҳаракатларнинг кенгайишига туртки бўлгани, фидоийлик ўз баҳосини топаётгани билан қадрлидир. Бу — илм-маърифатга эҳтиром белгиси ҳамдир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист

Tanlash imkoniyati esa, ko‘p narsani hal etadi. Bunda tavakkalchilik qilish, bilib-bilmay nomzodni tanlash yaramaydi.

Сайловга 32 кун қолди



НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўтган ҳафтада сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичи ниҳоясига етди. Марказий сайлов комиссиясининг сайловолди тадбирларини ўтказиш бўйича ҳаракатлар дастурига кўра, жорий йилнинг 20 ноябрида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишга доир мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев олиб борди. Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари ўзлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни топширган эдилар. Марказий сайлов комиссиясида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилди. Махсус ишчи гуруҳга Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатликка 120 номзод (119 номзод рўйхатга олинди), Ўзбекистон Халқ демократик партияси 120 номзод (118), Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси 89 номзод (89), Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси 62 номзод (61), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 76 номзод учун (74) ҳужжат тақдим этди. Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олинган 150 дан ортиқ сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 86 ҳужжат келиб тушди. Қолганлари 8 фоиз сайловчилар имзосини тўплай олмади. 22 та сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ҳужжатлари тегишли округ сайлов комиссиялари илтимосига биноан қайтарилди, 8 ташаббускор гуруҳ имзо варақаларида бир киши томонидан қўйилган бир неча имзолар аниқлангани боис, улар кўрсатган номзодларни рўйхатга олиш рад этилди. Ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган депутатликка номзод сифатида 56 фуқаро рўйхатга олинди. Марказий сайлов комиссиясига жами 531 номзод рўйхати (517 номзод рўйхатга олинди) тақдим этилди. Ўртача ҳисобда битта сайлов округига 4-5 номзод тўғри келади. (1999 йили ҳам бу кўрсаткич 4-5 кишини ташкил қилган). 14 киши рўйхатдан ўтмади, бу эса 2,6 фоизни ташкил қилади (1999 йилда 9,2 фоиз эди).

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, депутатликка номзодларнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар (номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи ҳамда уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи ҳақидаги маълумотлар билан бирга) маҳаллий матбуотда эълон қилиниши таъкидланди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг янги босқичи — сайловолди ташвиқоти даври бошланмоқда. Айнан шу нуқтаи назаридан Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёни қатнашчилари томонидан сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш масаласини ҳам муҳокама қилди. Бу борада Марказий сайлов комиссияси томонидан махсус тасдиқланган Низомдан ташқари тегишли қарор қабул қилинган бўлиб, у сиёсий партиялар, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг алифбо тартибида чиқишларини, телевидение ва радиода текин эфир вақти, шунингдек, давлат нашрлари саҳифаларидан бепул босма майдони ажратилишини, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ташвиқотидаги иштирокини тартибга солади.

Шунингдек, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси ва Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномасига мувофиқ Комиссия аъзолари сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фахриддин КАРИМОВ

Saylov savodxonligi

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

— Сайлов бюллетенлари қачон ва ким томонидан берилади?

— Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

ОВОЗ БЕРИШ БИНОСИ

— Овоз бериш хонаси қандай жиҳозланади?

— Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

ОВОЗ БЕРИШ ВАҚТИ ВА ЖОЙИ

— Сайлов куни овоз бериш жараёни соат нечагача давом этади?

— Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаториялар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатда киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

КИМГА ОВОЗ БЕРАСИЗ?

Сайловолди жараёнини кузатар эканмиз, беихтиёр бундан ўн беш, йигирма йил олдинги сайловлар кўз ўнгимизда қайта жонланади. Собиқ шўролар даврида битта депутатлик ўрнига битта номзод кўрсатилар эди. Истайсизми, йўқми ўша номзодни ёқлаб овоз беришга мажбур эдингиз. Шу тариқа номзод юқори кўрсаткич билан депутатликка “сайланар” эди. Шу тариқа овоз бериш кабинасига номигагина кириб чиқилар, хонадаги қалам деярли ишлатилмасди...

Мустақиллик — эндиликда сайловларнинг демократик принципларга асосланишига кенг йўл очди.

Ҳозирда битта депутатлик ўрнига мавжуд бешта партия ва ташаббускор гуруҳлар ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига эга. Шу тариқа сайловчида танлаш имконияти пайдо бўлмоқда. Танлаш имконияти эса, кўп нарсани ҳал этади. Бунда тавакалчилик қилиш, билиб-билмай номзодни танлаш ярамайди.

Ҳар бир номзод ўзининг сайловолди дастурига эга. Дастурлар эса, хилма-хил. Ана шу дастурларнинг ҳаммаси ҳам ижтимоий илдизга эгами? Уларнинг қайси бири ўтиш даври синовларига дош беради? Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг янада барқарорлашуви, фуқароларнинг тинч-фаровон умр кечириши учун қайси дастур кўпроқ хизмат қилади? Ҳар бир сайловчи шунга ўхшаш саволларга жавоб ахтариши табиий.

Сайловларда илк марта иштирок этаётган 18 ёшли йигит-қизларнинг бу борадаги ўй-қарашлари қандай? Улар сайлов ҳақида етарли тушунча ва тасаввурга эгами? Биз ана шу саволларга жавоб олиш ниятида Жиззах шаҳридаги транспорт, алоқа коллежида жойлашган 17-Жиззахлик сайлов участкасида бўлдик. Ҳозирги маълумотларга кўра сайлов участкасида 18 ёшли сайловчилар 26 нафарни ташкил этади. Коллежнинг иқтисод бўлими 3-курс талабаси Элёр Тўрагенов сайловда биринчи марта иштирок этади.

— Мен аввало сайловолди тарғибот ишларини кузатиб бораяпман, — дейди Элёр. — Қайси сайлов участкасида овоз беришим, унда қанча сайловчи борлиги, участка ҳудуди ҳақида тўла маълумот олдим. Сайлов участкасида сайловга оид кўплаб ҳужжатлар мавжуд. Уларни ўқиб, ўрганаяпман. Номзодлар ҳақида ҳам ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олаяпман.

— Сайловда иштирок этиш катта масъулият, — дейди Элёрнинг тенгдоши, молия банк бўлими 3-курс талабаси Сирожиддин Саъдуллаев. — Мен сайловда овоз бериш орқали ўзимнинг фуқаролик бурчимни адо этаман. Буниңг замирида ўзига яраша масъулият бор. Ҳар бир номзоднинг дастурини қизиқиш билан кузатаяпман. Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган номзодларнинг дастури маъқул келаяпти. Бир сўз билан айтганда, мен ким учун овоз бераман, деган саволга ўзимнинг қатъий ва узил-кесил жавобим бор.

Дарҳақиқат, ким учун овоз бераман, деган савол ҳар бир соғлом фикрли фуқарони бедор этмоғи керак. Айниқса, ёш сайловчиларнинг ана шу савол атрофида ўз фикр, қарашлари қатъий ва аниқ эканлиги кишини қувонтиради.

Фуқаролик жамиятини барпо этаётган бир пайтда бундай қарашларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Чунки ёшлар эртанги кунга, истиқболга бефарқ эмаслар. Эртанги кунда парламентдан, маҳаллий кенгашлардан ўрин оладиган депутатлар аввало сайловчиларнинг ишончини қозонишга киришиб, кеча-ю кундуз элим деб, юртим деб яшашга, меҳнат қилишга тайёрми? Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга молик бўлган қонунлар яратилишига муносиб ҳисса қўша оладими? Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан шахсий таклиф ва ташаббуслар кўрсатишга қодирми? Аслида ҳам биз номзодлардан ана шундай хислатларни, жиҳатларни кутишга ҳақлимиз. Бундай фидоий инсонлар эса халқимиз орасида жуда кўп. Фақат биз уларни тўғри танлай олсак бас.

Сайлов яқин, ўтаётган ҳар бир фурсат овоз бериш кунини яқинлаштирмоқда. Танлаш имконияти эса, ўз қўлимизда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
“Ma’rifat”нинг махсус мухбири

ИРОҚНИНГ ҚАРЗИДАН КЕЧИЛДИ

Анчадан буён олиб борилаётган келишувлар натижасида Париж клуби Ироқнинг 80 фоиз қарзидан кечиб юборишга қарор қилди. Бу ҳақда Россия молия вазири Алексей Кудрин хабар берди. Шахсан Россия ушбу қарорни шарҳлаб, Ироқда юзага келган вазият ҳеч қандай қарзларни тўлашга имкон бермаслигини таъкидлади. Шунинг билан йирик миқдордаги қарзлардан кечиш мамлакатни иқтисодий ривожланишига имкон яратиши ва тежаладиган пулларни Ироқда ижтимоий-сиёсий ҳаётга сарфланиш имкониятини яратади, дея хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги. Ўртача ҳисоб-китобларга қараганда Ироқ-Париж клуби ва унинг аъзоларига 120 миллиард доллар қарздир. Бундан ташқари Ироқ қарзларини катта миқдорда кечиш, жумладан, Россия учун Ироқни қайта тиклашдаги тендерларда қатнашишига ва нефть заҳираларини қайта ишлашга кўмаклашишига имкониятлар яратади.

МАҲМУД АББОС ФАЛАСТИН РАҲБАРЛИГИГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Фатҳ партияси етакчиларидан бири Маҳмуд Аббос 2005 йилнинг 9 январида ўтказиладиган Фаластин мухторияти Президентлигига номзод этиб кўрсатилди. Фатҳ партияси кўплаб ўтказилган музокаралардан сўнг шу қарорга келишди.

Маҳмуд Аббос 69 ёшда, у Фаластин бош вазири лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Ҳозирда эса Фаластин озодлиги ташкилотини бошқариб бормоқда. Фаластин мухториятининг собиқ раҳбари Ёсир Арофат 40 йил давомида Фаластин озодлиги учун курашаётган ташкилотга етакчилик қилиб, ўзининг сиёсатдаги меросхўри ҳақида гапирмаган эди. Ҳатто яқин кунларгача ҳам Фаластин жамоатчилиги давлат сиёсатининг кейинги босқичларини билмай туришган. Сиёсатчилар янги Фаластин раҳбари билан тинчлик дастури яъни, "Йўл харитаси" бўйича музокараларни қайта бошлашни режалаштирмоқдалар.

ШОКОЛАД ЕЙИШ ФОЙДАЛИМИ?

Охирги тадқиқотларга қараганда, шоколадни кўп миқдорда ейиш инсон организми учун ҳеч қандай зарар келтирмас экан. Аксинча, шоколад йўтални даволашда энг яхши восита экан, деб ёзади "News Scientist" журнали.



Айниқса, юқумли касалликлар грипп, шамоллашдан сўнг киши узоқ вақт йўталиб юради, какао моддасидан олинадиган шоколад илмий тадқиқотлар жараёнида лаборатория синовларидан ўтказилди. 10 кишидан иборат гуруҳ бир неча кунлар давомида шоколад компонентларини истеъмол қилишди. Бошқа ўн киши эса кимё моддаларидан тайёрланган дориларни ичишди. Натижа шуни кўрсатдики, шоколад истеъмол қилган гуруҳ йўталдан икки баробар тезроқ тузалиб кетди. Профессор Питер Барнс яна бир маротаба какао моддасидан оладиган компонентлар фойдалилигини исботлади.

Интернет манбалари асосида С.ФАЙЗУЛЛО тайёрлади

"Ma'rifat" газетаси жамоаси "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматовга онаси **Пўлат ая АҲАДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Tahlil

УКРАИНАДА САЙЛОВЛАР ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Украина марказий сайлов комиссияси тарқатган маълумотларга қараганда, умумсайловларда қатнашган 99,14 фоиз сайлов варақалари ҳозирда назоратдан ўтказилди. Натижаларга қараганда, Украина президентлигига бўлган сайловларда Виктор Янукович 49,42 фоиз овоз олган. Унинг рақиби Украина мухолифатчи "Менинг Украинам" партияси раҳбари Виктор Юшченко 46,69 фоиз овоз тўплаган. Сайлов комиссияси ўртадаги тафовут бор-йўғи 2,73 фоизни ташкил қилмоқда, деб хабар берган. Баъзи бир сайлов участкаларида ҳали 0,86 фоиз бюллетенлар устида аниқлаш ва текширув ишлари олиб борилмоқда. Бироқ, ушбу варақалар энди ҳеч қандай натижаларга таъсир кўрсатолмайди, дейди комиссия мутасадди ходимлари.

Марказий сайлов комиссиясига Януковичнинг тарафдорлари етиб келиб, ғалабани нишонлаш тадбирларини бошлаб юборишди. Ўз навбатида сайловлар жараёнини кузатган ОБСЕ вакиллари сайловларнинг биринчи тури ҳамда иккинчи турида ҳам кўплаб қонун бузилишлари кузатилгани ва демократик меъёрларга жавоб бермаслигини таъкидлаб ўтишди. ОБСЕнинг Украинадаги вакили Брюс Жоржнинг айтишича, давлат сайлов жараёнларини тўла очиқчасига олиб бормаган. ОБСЕ вакили матбуот конференцияси ўтказиб, ўз норозилигини билдирди. Унинг айтишича, ОБСЕ Украина ҳукуматини сайловларни тўла демократик тамойиллар асосида ўтказишга даъват қилган эди. Аммо, бу сафар ҳам жараён ошкора тарзда бўлиб ўтмади. Худди шу фикрларни Европа парламенти ассамблеяси иттифоқи ва НАТОнинг парламент ассамблеяси мутасаддилари ҳам билдирди. МДҲ давлатлари кузатувчилари эса, сайловларнинг демократик тарзда ўтганлиги ҳақида ахборот бериб, йирик қонун бузилишлари кузатилмаган, дея фикрлар билдиришди. МДҲ давлатлари федерацияси ассамблеяси кенгаши раиси Вадим Густов "баъзи бир йўл қўйилган хатоларни айтмаса, биз сайловларнинг тўлиқ демократик тамойиллар асосида ўтганини тан оламиз ва уларнинг очиқ тарзда ўтказилганини эътироф этмоқдамиз", деди.

Украина оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Виктор Янукович Донецк, Луганск, Запорожье, Одесса, Николаевск, Днепропетровск вилоятлари, шунингдек, Севостополь аҳолиси қўллаб-қувватлаган. Виктор Юшченко учун эса, Киев шаҳри, Тернопол, Иванофранковск, Львов, Волинск, Ровненск, Винница, Полтава ва Сумск вилоятлари овоз берган.

Мухолифат кучлари раҳбари Юшченко марказий сайлов комиссиясида ўтказилган матбуот анжуманида сўзга чиқиб, рақамларни сохталаштиришда марказий сайлов комиссияси раҳбарини айблади. У ўз сафдошларини кўчаларга чиқиб, намойишлар ўтказишга чақирди. Сўзини давом эттириб, баъзи ҳудудларда, жумладан, Донецк, Луганск, Харьков вилоятларида кўплаб бюллетенлар сохталаштирилгани ҳақида гапирди. Виктор Юшченко ва унинг яқин сафдоши Юлия Тимошенко марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини салбий баҳолаб, ишончсизлик билдиришди. Ўша куннинг ўзидаёқ мухолифат Киевнинг Мустақиллик майдонига 50 мингдан ортиқ ўз сафдошларини намойишга чорлади. Юшченко тарафдорлари яқин кунларда пойтахт кўчаларига бир миллиондан ортиқ аҳолини йиғишга бел боғлади. Зарғалдоқранг байроқларни осмонга кўтариб улар "Юшченко бизнинг президент", дея бонг урмоқдалар.

Виктор Юшченко навбатдан ташқари Украина парламенти сессиясини йиғишни талаб қилди. Унда мухолифатчилар марказий сайлов комиссияси иши юзасидан норозилик билдириш масаласини кўтариб чиқишмоқчи. Украина парламенти депутати ва "Бизнинг Украина" партияси раҳбарларидан бири Юлия Тимошенко аҳолининг ўқиш ва ишларини ташлаб, умумбўйсунмаслик намойишларини ўтказишга чорлади. Россия сиёсатчиларидан бири Борис Немцов намойишларда қатнашиб, Виктор Юшченкони қўллаб-қувватлади. Бошқа мухолифатчи, депутат Олег Рибачукнинг айтишича, ҳозирда парламентнинг 150 нафар депутатининг имзосини йиғиб, марказий сайлов комиссиясига ишончсизлик масаласини парламентнинг навбатдан ташқари йиғилишида муҳокама этишга даъват этмоқда.

Юшченко раҳбарлик қилаётган "Бизнинг Украина" партияси рақамлар ва далилларни тўлалигича ўрганиш комиссиясини тузиб, марказий сайлов комиссиясига етиб келмаган, баъзи бир сабабларга кўра ўз уйларида овоз берган сайловчиларнинг бюллетенларини текшириш кераклигини эътироф этди. Маълумотларга қараганда, бундай сайловчилар биргина Николаевск вилоятида 30 фоизни ташкил қилади. Сохталаштириш ҳолатлари унинг назарида яна Донецк, Луганск, Николаевск, Сумск вилоятларида авжига чиққан. Унинг айтишича, Юшченко ушбу вилоятлар бўйича сайлов натижаларини бекор қилинишини талаб қилади. Чунки халқаро ва МДҲдан келган кузатувчилар сайлов вақтида участкалардан номаълум сабабларга кўра олиб чиқиб кетилган.

Украинада вазият ўта нозик бўлиб қолмоқда. Россия ва Украина сиёсатшуносларининг изоҳ беришича, ҳозир мамлакатда фуқароларнинг иккига бўлиниши кузатилмоқда. Бу эса, ниҳоятда хавфли вазиятни келтириб чиқаради. Уларнинг фикрича, ҳозирда амалдаги президент Леонид Кучма вазиятга аралашиб, халқни осойишталикка чақириши керак, дейди таниқли сиёсатчилардан бири Виталий Бала.

"Ўнг қанот кучлари иттифоқи" раиси Борис Немцов Украинада куч эмас, балки демократия ва адолат устун келиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Украинадаги вазият, албатта, Россияга ҳам таъсир кўрсатади, деди у намойишда сўзга чиқиб. Виктор Юшченко эса, нутқини давом этиб, агар Янукович президент деб эълон қилинса, биз пойтахт марказида кўпсонли намойишлар ўтказамиз ва натижалар юзасидан суд ва прокуратура органларига мурожаат қиламиз, дея ўз норозилигини билдирган.

Сарвар САЙЁР ўғли ва Нозима ИКРОМОВА тайёрлади.

БЕШИКДАН ҚАБРГАЧА ИЛМ ИЗЛА

Voqelik

Бирлашган Араб Амирликларида олти ойгача бўлган гўдаклар учун махсус боғча-мактаб очилган. Унинг вазифаси турли хил мусиқа ва ўйинчоқлар ёрдамида интеллектуал салоҳиятни кўтариб, жисмонан соғлом ва руҳан тетик болаларни тарбиялашдир. Ушбу мактаб-боғча «Зе жимбейбиз клаб» (The Gymbabies Club (АҚШ) томонидан уч йил илгари очилган бўлиб, мактаб «Жимбоор плей энд Мюзик» (Gymboree Play & Music) деб номланган. «Жимбоор плей энд Мюзик» клубига фақат олти ойгача бўлган гўдаклар қабул қилинади. Бу ерда улар ўз оналари билан "таълим" олишади. Ўқиш ҳафтада уч маротаба бир соат давомида олиб борилади. Она ва бола қўшиқ оҳангига қараб енгил жисмоний ҳаракатлар қилиш билан бирга ўйинчоқлар ёрдамида ўйинга жалб этилади. Шу билан бирга копток ёки бошқа шаклдаги геометрик фигураларни бола қўлига тутқазиб, унинг шаклини бир-биридан ажратишга (масалан, юмалоқни, тўртбурчакни), айниқса ранг-баранг қоғозлар билан унинг рангларни танишига ёрдам берадиган машқлар ўтказилади. Гўдакнинг шўх ва сокин куйга бўлган муносабати кузатилиб, таҳлил қилинади. Албатта, ҳар бир гўдак учун махсус инструктор-тарбиячилар ажратилган. Олти ойдан ошган гўдаклар "катта" гуруҳга қабул қилинади ва шу тариқа икки ёшгача шу мактабда "таълим" олади. Боланинг ривожланишига қараб у билан мураккаброқ ўйинлар ўйналади, ўйинчоқлар ҳамда геометрик шаклларнинг сони кўпайтирилади. Натижада эса, боланинг жисмонан, руҳан, интеллектуал камол топиши осон кечади. У ўз тенгқурларига қараганда атрофга тез муҳитмослашади ва воқеа-ҳодисаларни қабул қилиш доираси кенгаяди. "Янги изланишлар шундан далолат берадики, биз болани янги, унга ҳали нотаниш бўлган "катта" ҳаёт сари етаклашимиз унинг кучли ва соғлом ўсишига сабаб бўлади", дейди «Жимбоор плей энд Мюзик»нинг бош менежери Денис Фархат.

Табиийки, бундай муҳитда катта бўлаётган ва гуруҳидаги бошқа кўпгина болалар билан "мулоқот" қилган гўдак тез ривожланади, бошқа тенгдошларидан ҳар томонлама устун бўлади. Бу мактабда ҳозирда минглаб болалар "таълим" олмоқдалар.

Юқорида айтганимиздек, бола ҳар доим мутахассис-тарбиячи ва она назорати остида бўлади. Ҳар бир ҳаракати, айнан нимага қараб интилиши, қизиқишига қараб у билан кўпроқ шуғулланишади. Яъни, гўдакнинг қизиқиши инобатга олиниб, кейинчалик уни махсус тарбиячи қўлига топширишади. Тарбиячилар эса, онага тўғри йўл-йўриқ кўрсатишади ҳамда улғаяётган боланинг заиф ёки устун жиҳатлари устида ишлашга кўмаклашишади.

«Жимбоор плей энд Мюзик» клуби биринчи маротаба Жоан Барнес (Soan Bavnes) томонидан бундан 26 йил илгари АҚШнинг Калифорния штатида ташкил қилинган эди. Эндиликда ушбу мактаб филиаллари дунёнинг 20 та мамлакатида 460 дан ортиқ шаҳрида ўз фаолиятини юргазмоқда. Яқин кунларда Дубайда клубнинг очилганига уч йил тўлиши муносабати билан катта байрам ўтказилди. Унда ота-оналар фарзандларининг соғлом ривожланаётганларидан мамнун эканликларини айтиб ўтишди.

Инглиз тилидан Матлуба ЁҚУБОВА таржимаси.

Amerika hindulari hozir ham bu o'simlik guliga sig'inadilar. Kattleya deb ataladigan orxideya Kosta-Rika va Venesuela, Likasta, Gvatemalaning milliy guli hisoblanadi.

МАРАФОНДА КИМЛАР ЮГУРАДИ?

Бугунги кунда юртимизда спортга берилаётган эътиборнинг нечоғли катталигига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Яқин кунларда Республикамиз Конституциясининг 12 йиллигини нишонлаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан республика бўйича анъанавий Умуммамлакат оммавий спорт марафони ўтказилади.

Ушбу анъанавий Умуммамлакат оммавий марафони мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ғурурни, юртга бўлган меҳр туйғусини ошириш ҳамда спортнинг енгил атлетика турини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришга хизмат қилади.

Умуммамлакат марафони уч йўналиш (I-Нукус—Урганч—Бухоро—Тошкент, II-Термиз—Қарши—Самарқанд—Тошкент, III-Наманган—Андижон—Фарғона—Ангрен—Тошкент) ва 3 босқичдан иборат бўлиб, 1-босқичи декабр ойида Конституция байрами арафасида, 2-босқич мусобақалари март ойида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилади, 3-босқич эса, Мустақиллик шодиёнаси олдидан бўлиб ўтади. 1-, 2-йўналиш иштирокчилари 1 декабрь куни Самарқанд шаҳрида учрашадилар ҳамда тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қиладилар. Тўртинчи декабрь куни Тошкент шаҳрининг Амир Темур хиёбонида финал босқичида шу ергача етиб келган ҳар учала йўналиш иштирокчиларини Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари кутиб оладилар.

Ушбу оммавий спорт марафонининг ўтказилиши юзасидан журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Умуммамлакат оммавий марафони иштирокчиларининг ҳаракат йўналишлари белгиланиб, жадвал асосида ҳар бир ҳудуддан бошқа ҳудудгача қай вақтда, қандай югуриб ўтишигача режалаштирилган. Биринчи ҳудуддан 12 нафар тиббий кўрикдан ўтган, жисмонан соғлом, югуриш қобилияти ва техник тайёргарлиги жиҳатдан талабга жавоб берадиган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқаролар югуриб, 2-ҳудудга келадилар, ўша ернинг ўзида ғолиблар тақдирланиб, яна 12 нафар кўнгиллилар сафга қўшилади. "Ватанпарвар" ташкилоти кузатуви остида ҳаракат қилувчи марафон иштирокчилари сафи шу тариқа янгиланиб, катталашиб бораверади.

Ушбу спорт марафони нафақат инсонни жисмоний маҳоратини оширади, балки унинг ички иродасини мустаҳкамлайди. Югуриб ўтаётган ҳар бир қарич еримизнинг тарихи, географик тузилиши, иқтисодий аҳволи, жойлашуви, иқлимини билиш орқали қатнашувчилар юртимизнинг бугуни билан янада яқинроқ танишадилар. Қолаверса, ҳамжиҳатликда олдинга интиладилар, бир-бирига ёрдам бериб, дўстлашадилар.

Айнан ана шу жиҳатларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган умуммамлакат оммавий марафонининг ўтказилиши юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга мусобақа бош ҳаками Ашур Нормуродов атрофлича жавоб берди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Маърифат" мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ !

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган янги имлодаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор "Исроилов Дилмурод Зокирович"

СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ!

Шу кунларда Ҳамза туманидаги 226-умумий ўрта таълим мактабида спортнинг бир қатор турларидан мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Ушбу спорт турнирида мактабнинг барча синф ўқувчилари қизиқиб қатнашмоқдалар. Куни кеча футбол, стол тенниси мусобақалари ниҳоясига етди. Унда 5-"В", 6-"В", 7-"В", 8-"В", 9-"Г", 11-"А" синф ўқувчилари синфлараро ғолиб, деб топилди.

Шиддатли кечган футбол мусобақалари жараёнида ҳар битта синфдан энг яхши ўйинчи номи аниқланди. 9-"Г" синф ўқувчиси Шерзод Шералиев мактабнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. Футбол мусобақалари шу тариқа якунига етди. Спортга қизиқиши бўлган ўқувчилар ўртасида 9-"Г" синф ўқувчилари мактаб миқёсида ғолиб деб топилди. Волейбол, шахмат-шашка мусобақалари эса, ҳали ҳам давом этмоқда.

Дилшод МАМАТОВ

Xullas...

ҚОИДАНИ БУЗГАН БЎЛАЖАК ЮРИСТ

Свердлов вилояти юридик коллежи талабаси Александр Беленький трамвайда 20 рубл йўл ҳақини тўламаганлиги учун судма-суд овора. Жаримани-ку тўлади, аммо «Казэлектротранс» корхонаси вакилларининг талабига мувофиқ, унинг «иши» судга ошириладиган бўлди. Мақсад — бундай «қуёнлар»ни бошқаларга «ибрат» қилиб кўрсатиш.

20 рубл тўламаганлиги учун жарима. Судга қатнаш учун кетган харажатларни айтмайсизми... Бунинг устига юридик коллежининг талабаси, бўлғуси юристга бундан ортиқ шармандагарчилик борми? Ортиқча сарф-харажат, умумий тартибга риоя қилмаслик бўлғуси мутахассислар учун чиндан ҳам бир «мактаб» вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

АНАНАСНИНГ ТАЪМИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Озиқ-овқатлар таъми, калорияси билан шуғулланувчи мутахассислар истеъмолдаги ананас таъми жонга текканини таъкидлашмоқда. Америкадаги компаниялардан бири уларнинг таклифи билан ананаснинг таъмини ўзгартиришга қарор қилди: қулупнай, киви, кокос ва бошқа мевали дарахтлар билан чатиштирилса, бу меванинг таъми қандай бўлар экан?

Янги мевани етиштиришдан аввал истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш керак. Аммо, уни қандай етиштириш ҳозирча сир. Ахир, амалда кўпчилик томонидан қабул қилинган ўсимликка бошқача қиёфа, бошқача таъм бағишлаш осон эмас-да...

Фирма янги ананас «апробация»сини 2005 йилга режалаштирмоқда. Бу Америка ва Европада синовдан ўтказилади, деб хабар беради «Чикаго сан» газетаси.

ana shunaqa gaplar

КРОССВОРД



ЭНИГА: 2. Вазн ўлчови бирлиги. 4. Шикоят. 6. Асалари ишлаб чиқарган модда. 13. Араб алифбоси ҳарфи. 15. Насл, авлод. 17. Оҳактош тури. 24. Жанубий Америкадаги тоғлик. 26. Европадаги кўмир ҳавзаси. 28. Эстрада соҳаси. 35. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони. 37. Автомобиль маркаси. 39. Сайёҳлик ходими.

БЎЙИГА: 8. Шахмат донаси. 9. Вақт ўлчови. 10. Ёшда эмас, бошда. (мақол). 11. Номаълум сон, ҳарф. 19. Жонивор. 20. Тамаки маҳсули. 21. Либос қисми. 22. Танаси қаттиқ дарахт. 30. Фикр ифодаси. 31. Отнинг яна бир номи. 32. Ёғингарчилик. 33. Қадимий пойтахтдаги қаср.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Илмий даража олишга тайёрланувчи. 3. Фазокор либоси. 5. Атоқли грузин ёзувчиси. 7. Тўсатдан ҳужум уюштириш учун мосланган яширин жой. 12. Миллий ипак газлама тури. 14. Маълум шароитда жисмнинг мажбурий тебранишлари амплитудасининг кескин ошиб кетиши. 16. Опера асарининг сўз матни. 18. Ашёнинг барча кўрсаткичлари жиҳатидан маълум шароитларга жавоб берадиган андозадаги нусхаси. 23. Яғриндор, мард инсон. 25. Соябон арава ёпинчиғи. 27. Таъми аччиқ сабзавот. 29. Жуфт куракли эшкак билан ҳайдаладиган спорт қайиғи. 34. Мусбат электрон зарра. 36. Конусни ясовчига параллел текислик билан кесишганда ҳосил бўладиган ёпиқ эгри чизиқ. 38. Асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қиладиган даража кўрсаткичи. 40. АҚШ штати.

Ф.ОРИПОВ тузди.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-128.
Тиражи 19595. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди —